



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
5-mart
chorshanba
№ 9 (1436)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ЎЗГАРТИРИШ

МУҲИМ КЕЛИШУВЛАР АМАЛДА

Хусусан, Сурхондарё вилоятида Покистон тадбиркорлари билан ҳамкорликда
янги қўшма лойиҳалар амалга оширилади.

Маълумки, шу йилнинг 26 февраль куни Тошкентда олий даражадаги Ўзбекистон-Покистон саммити якунланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф ўртасида кечган музокараларда сийёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-демократик ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар келишувларни том маънода Покистон ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга расмий таърифи яқунланганининг эртаси куниёқ амалга оширишга киришди.

Жумладан, Покистон ишбилармон доиралари вакиллари билан иборат делегация Ўзбекистоннинг Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Тўхтаев ҳамроҳлигида янги савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини тузиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Сурхондарё вилоятига борди.

Делегация таркибидан тўқимачилик, фармацевтика, терини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, транспорт-логистика соҳасида фаолият юритувчи компания вакиллари ўрин олди.

Таъриф Имом ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилшдан бошланди. Шундан сўнг, Покистон вакиллари "Айритом" эркин иқтисодий зонасида бўлди. Меҳмонлар ЭИЗ фаолияти билан танишдилар. Худудда хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар, янги лойиҳаларни амалга оширишда бериладиган имтиёз ва қўлайликлар тўғрисида тақдирот ўтказилди.

Покистоннинг "NLC" транспорт-логистика компанияси билан "Айритом" ЭИЗ худудидида саклаш омборини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Шунингдек, "Herbion Naturals" компаниясини ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида



ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоятнинг етакчи иқтисодий тармоқлари — қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа йўналишлардаги салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Пешовар шаҳрида Сурхондарё саноат маҳсулотларини, жумладан, кўмир, оптингурут, минерал ўғитлар, ип-калава ва бошқа товарларни саклаш омборини ташкил этиш ва шу ердан Покистон турли нуқталарига етказиб бериш юзасидан келишилди.

Вилоятда тўқимачилик, тери ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритаётган корхоналар самарадорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш мақсадида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.

Термиз туманида жойлашган "Амударётекс" корхонаси базасида Покистоннинг "Diners Group" компанияси томонидан замонавий тўқимачилик ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Делегация аъзоларининг "Nova pham" фармацевтика компанияси ва "Top Quality Brand" терини қайта ишлаш корхонасига таърифлари чоғида ҳам дори субстанцияларини етказиб бериш ва Покистонга тайёр терини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Шунингдек, Жарқўрган туманида жойлашган "Surxonsementinvest" корхонаси негизда Покистон компаниясининг оператив бошқаруви орқали жаҳон бозорига замонавий ва рақобатбардор маҳсулотлар билан кириб бориш бўйича лойиҳа келишилди.

"Дунё" АА.

БОҚИЙ САТРАП



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ОНА ДЕГАН НОМ...

Дейдилар, қаҳрли баҳодирлар ҳам
Жангларида жон берар чоғи мардона,
Беҳад азобларга чидаб сўнгги дам,
Битта сўз дермишлар шивирлаб: Она.
Улуғ бир донишманд оламни шарҳлаб,
Ахийри танибди туққан элини.
Забон бахш этганга эҳтиром сақлаб,
Она, деб атабди илк бор тилини.
Дунё шоирлари Ватан шаънига
Сифат ахтармишлар қатор ва қатор.
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:
Она Ватан дея битмишлар ашъор.
Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!

ЎЗГАРТИРИШ

“ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАЙДУР”

ёхуд Беҳбудий ижодида инсон ҳуқуқлари ҳимояси

“Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси” ҳужжати бунинг тасдиғидир. Бу ҳужжатнинг ташаббускорларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Бу ҳужжатни у Туркистоннинг ўн учта тараққийпарварлари билан ишлаб чиқди. “Маромнома”дан мақсад ўлкада мухторият масаласи эди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган ҳужжатнинг биринчи бўлимида “Давлат ва мухторият” масаласи бўлиб, ўлкада “Халқ жумҳурияти ташкил этмак” масаласи туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” дейилганидек, улар ҳам халқ ҳокимияти бўлиши аниқ пайтда ўртага қўйган эдилар. Тараққийпарварнинг ўлкада мухториятни ташкил этишга қаратилган инсонпарварлик гоялари кейинги модда-

ларда бирин-кетин кафолатланиб боради. Ҳужжатда халқ томонидан сайланадиган депутатларнинг мавжуд бўлишлиги айтилади: “Мухториятли қишлоқларда очиларгон мажлиси мабъусонга (депутатлар палатаси), маҳаллий идораларга ва бошқа бутун ташкилотга сайланадурган аъзолар умумий, баробар, яширин ва бевосита сайлов усули ила сайланадур”. Бундай демократик қоидаларнинг 1917 йилда қўйилиши чинакам жасорат эди.

“Маромнома”да ушбу қоидага риоя қилинган ҳолда ҳақ ва ҳуқуқларни олиш масаласи ҳам қўйилган. Яъни, эркаклар ва хотинларнинг тенглик масаласи бўлиб, “миллатнинг йилеирма ёшига етуб аҳлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: эр бўлсин, хотун бўлсин — синф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан — сайламак ва сайланмак ҳақина молқидур”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида: “Хотин — қизлар ва эр-



каклар тенг ҳуқуқлиқлар” деб ёзиб қўйилган. Тараққийпарварнинг қарашларида инсонларнинг етдибагани адолат тамойили томонидан ёшлаганлиги кўрамин. Бу ҳужжат мустабидлик тузум даврида яратилишига қарамайдан, миллатнинг келажаги ва ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида майдонга чиққан эди.

Миллат фидойисининг ишлаб чиққан ҳужжати ўқир экансиз, инсоннинг ҳуқуқи билан боғлиқ биронта ҳам қоидаларнинг қолиб кетмаслигига эътибор қаратганлигини кўрасиз. Мухториятли ўлканинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ишлаб чиқилган бўлиб, уни вилоят, санжоқ (uezd), ноҳия (участка) бошқарув тизимларидан иборат бўлиши кўрсатилади.

2-6

ЭССЕ

“СЕН СЕВГИМНИНГ КЎКАРГАН БОҒИ”

Муҳтарама Зулфияхонимга бағишладим

...Ҳар куни тун ярмида уйғониб кетаман:
соат миллири одатдагидек бир хил вақтни кўрсатади. Ҳайратга тушаман. Деразадан тун муралайди. Юлдузларсиз само оқишга мойил қора булутлар оғушида заминдан кўз узмайди. Ногоҳ кўлоғимга қашинг узун тунлариди ҳали ёриб чиқмаган куртакларнинг шивирлашлари, тоғ чўққисида эриб жилға бўлмаган қорларнинг сукувати, кўпчиган далаларда шамолдай юғураётган қулунларнинг ҳансирашлари чалингандай бўлади. Кўзлари парпираб турган бойчечакнинг ернинг сўнгги қобиғини ёриб чиқаётгандаги қувончлари, бўтана сувларнинг у қирғоқдан бу қирғоққа бош уриб, хўрсиниб оқишлари...

Ва сўнгра сездирмай келинчақлардай нозланиб келаётган баҳорнинг нафис эпкинлари борлигини кўраб олади-ю, тун кўксындаги гўзал бир товуш қалбимни қамрайди:
...Баҳор ҳали кўкда,
Бениш куртакда,
Ғунчада, бинафша барғида бўртар.
Очина деразини, унинг ортида
Кўпчиган кўкрак-ла,
Нурга қорилиб
Лутфан ғу-ғулайди бир жуфт кабутар...
... Тун яна ўз хотира дафтарини варақлай бошлайди... Тошкентнинг хунарманд — Деғрез маҳалласидаги райхону жамбиллар бўйи уфуриб ётган хонадонда тўлин ой шуъласида сочлари кўнги-роқ-кўнги-роқ қизалоқни бағрига босиб, қолган болаларининг устини меҳр билан ёпиб уларга қўшиқ, эртақ, афсона-ю, ривоятлар айтаётган она — Хадичахон мохир ҳайкалтарошнинг санъат асарига ўхшайди.



3-6

ДЎСТАЛИК — ТИРИКЛИК ЗИЙНАТИ

Юртимизга баҳор келди, баҳор билан меҳмон келди

... “Бу йил ўтов бошига қалдирғоч ин қурганди. Қалдирғоч — мўъжизавий қуш. Қушнинг уйини бузиб, болаларини нобуд қилиш қўлимдан келмади”, — деб лашкарбошига жавоб қилди. Қаршисидаги инсонни авлиёлик фазилатини сезиб қолган ёвбошчиси унга тегмасликка буйруқ беради. Шундан авлиё Қалдирғочбий номини олади...

8-6

“ҲАҚ ОЛИНУР, БЕРИЛМАЙДУР”

ёхуд Бехбудий ижодида инсон ҳуқуқлари ҳимояси

1-6

Шунингдек, мухториятли ўлкани “расмий тили аксар халқнинг сўйлагон тили” масаласи қонунийлаштирилган.

Хужжатда миллий, диний масалаларда ҳам келажакни назарда тутувчи нормалар ишлаб чиқилган. Эътиборга молик бўлган масалалардан кейингиси “Мухториятли қитъаларда ахлият (фуқаролик ҳуқуқи)” масаласидир. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ўз аксини топган. Яъни, “*Жумла аҳоли, қайси дин ва қайси мазҳабда бўлса ҳам қонун қошида баробар саналур*”. Қарангки, мустақил демократик Конституциямизнинг 19-моддасида: “*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар*” нормасининг айнан ўзи шу норма билан бир хил берилганлигини кўрамыз.

Бехбудийнинг “Маромнома”сида келтирилаётган моддаларнинг мазмунини, унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нормалари бугунги кундаги ривожланган мамлакатлар конституцияларининг нормаларига ҳамоҳангдир. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 18-моддасида кафолатланганидек: “*Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодинини ўзгартириш эркинлигида ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодида яққа ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади*”.

“Маромнома”да: “*Хурриятти виждон (виждон эркинлиги) том маъносила ижро қилинуб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва таъйиқ қилинмас*”. Бу норманинг ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланиши

35-моддада қўйидагича: “*Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди*”. Шунингдек, “*ҳар ким ўз фикрини, ҳаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқалар воситаси ила наشر ва эълон қилмоқда ихтиёрийдур*”, “*ҳар кимнинг йўғилиб ижтимоъ ясамоққа (йўғилмоққа) ҳаққи бордур*” каби нормалари бугунги кун демократик қомусий ҳужжатларини мустақкам ўрин эгаллаганлигини кўрамыз.

Қомусий ҳужжатнинг “Маориф ишлари” боби муҳим норма сифатида алоҳида аҳамият касб этади: “*Илм ва маориф ишларида жумла аҳоли дин ва миллатга айрилмасдан, эркак ва хотунлар баробардур*”. Қўринадикки, тараққийпарвар томонидан киритилаётган нормаларнинг ҳаммаси халқаро инсон ҳуқуқлари нормаларига ҳамоҳанг равишда ишлаб чиқилган. Шунингдек, хужжатда хусусий мактабларнинг очилишига йўл қўйилиши расмийлаштирилган. Таъкидлаш жоизки, хужжатда мактабларнинг босқичлари, тизими тўғрисида алоҳида қоидалар жорий қилинган. Яъни, бошланғич мактаб, тулкисиз ўрта мактаб, ўрта мактаб, олий ўқув юртлирининг бўлиши шулар жумласидандир. Энг муҳими, хужжатда: “*Таълими ибтидоиянинг умумий, мажжоний (пулсиз) ва мажбурий бўлмоғи керакдур*”. Ушбу модда бугунги кунда Конституциямизда: “*Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабга таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратлади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир (50-модда)*”.

“Маромнома”нинг “Иқтисод ва молия масалалари”, “Ер масаласи”, “Иш-

чилар масаласи”, “Адлия масаласи” бўлимларида ҳам муҳим нормалар киритилган бўлиб, инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган моддалар жой олган. Жумладан, “Хусусий ерлар тўғрисида”ги қоидалар киритилишининг ўзи ҳам Бехбудийни келажакни олдиндан кўра билган қонуншунос эканлигини кўрсатади. “*Баъзи ҳаводислар (ҳодисалар) сабабли (Мингеладаги эшон воқеаси каби) жамоат қўлидан жабран мусодара қилинуб, бошқаларга тақсим қилингон ер ва қишлоқларни аввалги эгаларига қайтармоққа ҳаракат қилинур*”.

Бехбудий мустабид даврида маҳаллий халқларнинг ер борасидаги ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилганлигига тўхталади. “*Хуқумат ёки жамоат тарафидаги мусодара қилингон вақфларнинг барчасини вақфномага мувофиқ аслига қайтармоқ учун теъйишли тадбирларга ҳозирдан бошлаб киришур*” деб норма сифатида киритилади. Шунингдек, ушбу ер ва қишлоқлар аввалги хусусий ҳолда тегишли миллат вакилларига қайтарилиши кафолатланади.

“Маромнома” хужжати Туркистон ўлкасида миллат ҳуқуқини ҳимоя этувчи тарихий ҳужжат ҳисобланади. Унда мухториятли давлатнинг барча ҳуқуқий масалалари кафолатлаб берилди. Қолаверса, фуқаролик, виждон эркинлиги, сўз ва матбуот эркинлиги, йўғилиш ўтказиш, махсус органларнинг рухсатсиз фуқарога тинтув ўтказмаслик, шахснинг оила муҳофазаси ҳам асосий жой олган эди.

Бехбудийнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қадрини ва кучини йўқотганича йўқ. Унинг бутун қарашлари келар замон учун эди. Ҳазрат айтганидай: “*Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзини ҳуқуқи диния ва сиёсатини ҳаракат ва илтифоқ ила бошқалардан олади. Ёлмоқ керакки, “Ҳақ олинур, берилмайдур!”*”.

Нормурод АВАЗОВ,
Алфраганус университети профессори,
филология фанлари доктори.

МОЗИЙ

Инсоннинг камолотга етишишида оиладаги тарбиянинг, маҳалланинг жамиятдаги муҳитнинг ва табиийки мактабнинг роли каттадир. Миллатнинг маънан баркамоллигини, Ватаннинг тараққиётини мақсад қилган жамиятларда таълимга катта эътибор берилган ва бу жараёнда доимо янгиликлар татбиқ этилган.

Асли қрим-татар миллатига мансуб бўлган зиёли, педагог, жадидчилик ҳаракатининг кенг тарқалишига ҳисса қўшган жамоат арбоби Исмоил Гаспралининг мактаб, сўнгра матбуот соҳаси (“Таржимон” газетаси) ига олиб кирган янгилиги, кейинчалик Россия империяси ҳудудидagi туркийларни жипслаштирибгина қолмай, дунё тамаддуни асосида яшаш, улар билан бир сафда юриш учун бошланган ижтимоий-сиёсий жараёнга айланди.

ХОРАЗМЛИК ЖАДИД ПЕДАГОГ АЁЛЛАР

Бу жараёнларнинг бошланиши эса Қримдаги Исмоил Гаспралининг таълим ислохотидан янги усул – жадид мактабидан бошланди. Озгина вақт ўтиб, ушбу жадид мактаблари Қозон, Уфа ва табиийки Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам ташкил этила бошланди. Дастлаб, Исмоил Гаспралининг жадид мактаблари учун ўзи яратган дарслик, қўлланмалари ўқитилган бўлса, қисқа давр ичида Авлоний, Бехбудий, Ибрат, Суфизода, Ҳамза Ҳакимзода, Бобоохун Салимовларнинг ҳам ўзлари яшайдиган ҳудуд мактаблари учун ёзган дарсликлари пайдо бўлди. Табиийки ўлкада жадид мактаблари пайдо бўлган даврда унга нисбатан тўсиқлар ҳам юзага келди. Бу анъанавий эскича ўқитишга асосланган мактаблар, рус-тузем мактаблари рақобатчи сифатида фаолият кўрсатаётган таълимдаги жараёнлар эди. Шундай вазиятда маърифатга интилган халқ ишончини қозониш, рақобат муҳитида олгa интилиш учун тараққийпарвар педагогларга эҳтиёж катта эди. Шундай жараёнда халқ ичидан янги авлод педагоглари етишиб чиқди ва бу тарихнинг ёрқин саҳифаларидир.

Хусусан, Хоразмдаги жадид мактаблари педагоглари орасида уч нафар аёл ўқитувчи ҳам бор эдики, бу ўша давр учун чинакам жасорат эди.

Исмоил Гаспралининг “Таржимон” газетасидаги маълумотларга кўра, Ферузон (1844-1910) ва Асфандиёрхон (1873-1918) Хоразмдаги жадид мактаблари ташкил этилишига хайрихоҳлик қилишган. 1898 йили Хивада оренбурглик Мухаммад Вафо ва мулло Абдураҳмон афандилар томонидан усули савтия мактаби очилди. Бирок марказ Хивада 1898 йилдаги биринчи жадид мактабига маҳаллий аҳолининг қўниқчи қилин бўлди ва Янги Урганч шаҳрида икки педагог ўз фаолиятини йўлга қўйишди. Шу тарзда Хоразмда биринчи жадид мактаби 1898 йилда ташкил қилинган.

Иккинчи жадид мактаби эса хоннинг тараққийпарвар амалдори Мамат махрам томонидан Дешонқалъадаги уйда 1905 йилда ташкил этилган. Ўша йили бош вазир Исромуҳжа ҳам жадид мактабига асос солади. Хивада дастлаб ташкил этилган усули савтия таълим мактаблари “Мактаби Махрамий” (Мамат Махрамнинг мактаби), “Мактаби жадид” (Исромуҳжанинг маблагига барпо этилган) дея номланган.

Ушбу Хивадаги икки ва Янги Урганчдаги жадид мактаблари педагогларининг юқори савиядаги билим беришлари, ўқитиш усули, дея жараёнлари аҳоли томонидан яхши кутиб олинади. Негаки, фарзандларини усули савтия асосида ўқитиш, бошқа мактабларга қараганда самарадорлигини кўрсатганди. Натижада аҳолида бўлган талаб боис 1907 йилда валиахд Асфандиёрнинг ўзи ҳам Хивада учинчи жадид мактабини ташкил қилади.

1907 йил 30 мартда “Таржимон” газетаси Асфандиёрнинг “Хива валиахди усули савтия мактаби очдириш учун Барудий мадрасасини тамомлаган икки муаллимни қақтирирди, 25 февралда келдилар, келишлари билан мактабда дарс бошлаганлари ҳақида”ги хабарини ҳам чоп қилган. Қозон шаҳридаги Олимжон Барудий мадрасасини битирган икки нафар педагог Хивада ўз фаолиятини бошлади.

Ҳукмдор Ферузон жамиятдаги барча соҳаларга нисбатан талабчан, қолаверса, ўзи хайрихоҳлик билан ихозат берган мактаблардаги жараёни қузатиб бораётганди. Уни жадид мактабларининг келажаги, ўқитувчиларнинг билим бериши, ўқувчиларнинг таълим олиши қизиқтирганидан имтиҳонга эътибор қаратади.

Натижада 1907 йилнинг 28 майида Асфандиёр ва Исромуҳжа, 31 май куни қозикалон, мударрис, охунлар иштирокидаги имтиҳон ҳайъати ўқувчиларни синовдан ўтказишди. Яъни, Хивадаги дастлабки иккала мактабнинг 113 нафар талабаси ҳайъатга имтиҳон топиради ва ҳайратланарлиси ҳаммаси аъло баҳо олишади. Имтиҳон натижасидан руҳланган валиахд Асфандиёр, бош вазир Исромуҳжа ва Қозикалон Салимуҳунлар ўзаро маслаҳатлашиб, Қозон шаҳридан ушбу мактаблар учун яна иккита ўқитувчи таклиф қилишга қарор қилишади. Шу билан бирга Хоразмда жадид мактабларини қўлайитириш, ўқув жиҳозлари, адабиётлари билан таъминлаш, улардаги таълим сифатини назорат қилиш учун Рамазон Мухаммад Каримзодаги мактаблар назори қилиб тайинлашади.

Хоразмдаги таълим, умуман, жадидчилик бўйича жараёнлар Исмоил Гаспрали учун қувончли эди. Бошқа ҳудудларда тўсиқлар учраган мактаблар фаолияти Хоразмда истиқболли ҳолатда шаклланаётганди.

Қримдан бошланган жадид мактабларининг Хоразмда ташкил этилишини “Таржимон” газетасида доимо ёритиб, қўллаб-қувватлаб турган. 1908 йил 18 январида “Таржимон” газетасида “Хивада усули жадиди мактаблари” номи мақола ёзган ва ундаги маълумотга кўра, “1898 йил декабрда Оренбургдан Мухаммад Рифо Карвонбоши билан муаллим Абдураҳмон афанди Хивага келиб бир ой турди. Таассуб кучлилигидан Урганча кетди ва усули савтия мактаби очиб, бир йил бола ўқитди, вафот этди. Кейинроқ Мухаммад Махрам очган мактаб халқ тарафидан яхши қабул



Суратда: Хорижда тахсил олган жадид аёллардан бири Марям Султонмуродова синглиси Гўлнеҳра билан.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

МУҲАНДИСЛИК ИСТИҚБОЛИГА МУҲИМ ҚАДАМ

Дунё шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда фаровон ҳаёт, юрт иқтисодиётининг тараққий топиши, халқимиз, айниқса, илмга чанқоқ ёшларимизнинг тақдири учун муҳим қадамлар ташлаш, уларга муносиб шароит яратишга масъулият билан қараш – давр талаби.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун бизга юқори малакали муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур”.



Жорий йил бошида Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда таълим, илм-фан, sanoat, техника ва технология соҳаларида кадрлар тайёрлашда муҳим бўлган “Нукус давлат техника университети ташкил этиш тўғрисида”ги тарихий қарорини қабул қилди.

Бу қарор Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилиги институти ва Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали негизда янги университетнинг ташкил этилишини таъминламоқда.

Узоқни кўзлаган мақсад эса муҳандислик соҳаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, ўқитиш усул ва шаклларини такомиллаштириш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш орқали таълим сифатини ҳамда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишдир.

Қарорда sanoat, техника-технология, муҳандислик соҳалари учун мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнига юқори 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилган. Ҳудуд учун истиқболли бўлган кадрлар тайёрлаш, замонавий ўқув, илмий ва IT лабораториялари базасини яратиш, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтириш каби катор вазифалар белгилаб берилмоқда.

Илм аҳлини қувонтирадиган яна бир муҳим жиҳати шундаки, университетда Илфор муҳандислик мактаби фаолиятини ташкил этиш масаласи ҳам ўрин олди. Унда таълим олиш учун академик кўрсаткичлари юқори бўлган талабалар танлов асосида сараланади. Улар амалиётга йўналтирилган махсус таълим дастурлари асосида ўқитилади. Замонавий лабораториялар ташкил этилади, муаммолар портфели асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилади.

Ҳозирда Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилиги институти ва Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиалида тахсил олаётган талабалар ўқишини Нукус давлат техника университетида давом эттиради ва битирувчи курс талабаларига университет дипломи берилади.

Мазкур қарор нафақат Қорақалпоғистоннинг, балки Янги Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашда, илмий салоҳиятини янада оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ишончимиз комил, ташкил этилаётган илм-фан ва таълим-тарбия даргоҳида тахсил олган ёшлар юртимизга фидойи ва керакли мутахассислар бўлиб етишади, ютуқлари билан мамлакатимизни тараққиётга муносиб ҳисса қўшади.

Атабек КАШБЕРГЕНОВ,
Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилиги институти директори, техника фанлари доктори, профессор.

САЙЁР ҚАБУЛ — МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилиди. Бугун барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилди. Жойларда утаётган сайёр қабуллар халқнинг дардини эшитиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда, шак-шубҳасиз, қутилган натижаларни бермоқда.

Бугунги кунда халқ билан учрашиб, жойларда қийиш уларнинг дардида кулоқ тутиш, шу орқали аҳолининг роҳлигига эришиш ҳар бир раҳбарнинг бош вазифасига айланди.

Зеро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ҳуқуқий ечим топиш мақсадида Чуст туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан аниқ чора-тадбирлар асосида ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этиб келинмоқда.

Хусусан, “Янгиер” маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабул жараёнида мазкур маҳалланинг Иттифоқ кўчасида яшовчи бир гуруҳ аҳоли вакиллари Президентнинг тумандаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, электр таъминотидаги муаммоларни бартараф этишда амалий ёрдам беришни сўрашган эди.

Аҳоли мурожаати юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари ва тегишли соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган ҳолда мурожаат ўрганиб чиқилиб, ҳамкорликда мазкур аҳолини бир неча йиллардан буён қийнаб келаётган муаммо

ҳал қилиб берилди. Маълум бўлишича, таянч устунлар бўлмаганлиги сабабли аҳоли ҳаёти учун хавфли бўлган турли хил дарахларни кесиб, қўлбола усулда симёочлар тайёрланиб, ундан фойдаланиб келинган.

Ҳозирда 20 дан ортқ таянч устунлар ўрнатилиб, 1,3 км масофада электр тармоғи тортиб берилиб, аҳолига қўлайлиқ яратилди.

Мухтасар айтганда, бугун ҳеч бир мурожаат шунчаки қоғозларда қолиб кетмапти. Ўтказилаётган сайёр қабуллар муаммоларни аниқлаш, жойида ҳал қилиш, уларни бартараф этиш мақсадларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шўхратжон ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Чуст туманидаги Халқ қабулхонаси мудир.

1-6

Онанинг бағридаги кўзлари юлдуздай порлаб ётган қизалоқнинг жингалак сочларини шамол ўйнайди. Қизчанинг узун куюк киприклари қоп-қора туташ қошлари худди она кўйида эркаланаётган ойни эслатади. У ҳадеганда кўзини юймайди, онасининг нурли чехрасига маҳлиё бўлиб термулади”. “Энди кўзларининг юмақол Зулфия қизалогим, ухлайқол, жону жаҳоним”. Онанинг сеҳрли товуши ойнинг шуълаларида эриб кетаётгандай қизалоққа таъсир қилади. У бир ҳўрсинади-ю, гўзал киприкларини юмиб ухлаб қолади.

...Тун эса бахтиёр. Чунки унинг ер узра ёйилган нафис тўр пардалари ҳошияларида “Сенинг кўксингда шоира ором олаяпти,” деган тилларанг, зарҳал ёзувлар ялтирайди.

Зулфия Исроилова ўн олти ёшда чиқарган биринчи китобини “Хаёт варақлари” деб номлаган эди. Ажабо, 16 ёшли балоғат остонасида турган қизалоқ ҳаётнинг сирли варақларини кўздан кечиришга улгурганмиди? Йўқ, албатта. Бу ҳақда шоиранинг ўзи кейинчалик, “Мен биринчи китобимни шоша-пиша “Хаёт варақлари” деб номлабман-а, ахир гўргина, соддагина бир қизалоқда қандай қилиб ҳаётни тажриба бўлиши мумкин эди”, деб хотирлаган эди. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олаётган пайтимда устозимиз қис иши сифатида менга “Зулфия лирикаси”ни ёритишни айтдилар. Мен ҳаяжонда эдим. Чунки Зулфияхонимнинг табарруқ номи 4-синф ўқувчиси бўлган пайтимдан бошлаб қалбим Зулфиясига айланган эди. Курс ишини битириб, устоз назаридан ўтказиб, қурдосларимга гапириб берар эканман, ҳозир ўйласам у ёзганларим Зулфия деган уммон олдида ҳатто бир қатра ҳам эмас экан. Тунлари уйқум қочиб кетганида, кўз олдимда Зулфияхонимнинг гўзал, латиф чехраси, ақлли кўзлари зоҳир бўлаётган пайтларда ўзимга шундай савол берар эдим: “Мен нима учун бу аёлга чексиз меҳр ва эҳтиром билан қарайман? Нега унинг ҳижрон тўлқинлари кўкка салчиб, сабр қирғоғига урилаётган шеърларини ўқиганимда кўзларимдан тўхтовсиз ёш оқади? Нега шеърлари бир ўқишда жисму жаҳонимга сингиб кетаверади? Бу қандай тилсим?”

Йиллар меили ўлтайтирди, Зулфияхонимдай улкан қалбли шоира, буюқ давлат ва жамоат арбоби, ўзбек оналари — аёлларнинг миллий рамзига айланган бу аёл қалбига беҳад яқинлаштирди. Бир инсонни шунча севиш мумкинми? Бир инсонни умр бўйи шундай ардоқлаш мумкинми? Бир инсоннинг ҳижронидан гуллардан-да гўзал бўлган дунёсини ҳазон лашкарларига оёқ ости қилдирмай, вафро тоғларига туғ тикиб, жони ва қонидан силққан мисраларни унинг руҳига шунчалик поёндоз қилиш мумкинми? Ҳа, мумкин экан! Нурдек пок иймонга доғ туширмаган, тунлари ярми бўш ёстиқларга дардини пинҳон сўзлаган сабрли, тоқатли ўзбек аёлигина бунинг уддасидан чиқади. Шу муҳтарам аёл бизнинг бекиёс гўзал қалбли шоирамиз Зулфияхонимдир. У ўз жуфтининг денгиздай қудратли муҳаббатига сазовор бўлган аёл эди.

*Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда
Топиб бер, деб оёга ёлвордим.
Ишон, бунда сени доимо,
Эса солар чиройли тунлар.
Шўх тўлқинлар, салқин сахарлар,
Эса солур бахтиёр кунлар.
Топейминг охиноси сен,
Сен севгимнинг кўкарган боғи.
Сенинг билан бутун умидим,
Ишончимни сен вафо тоғи.
Мени қуришар салқин бир ҳаво,
Сув устига нур қуйилади.
Яна қанча-қанча гапларни,
Ёдаа солиб ой ҳам тўлади.
Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар,
Пишқиради билмай тинимни,*

“СЕН СЕВГИМНИНГ КЎКАРГАН БОҒИ”

Муҳтарам Зулфияхонимга бағишладим



Ҳўйлағар ой, сеҳрағар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга қимни?..

... Бу менинг ўзбек эстрадаси қироли Ботир Зокиров ижросидаги энг сеvimли кўшигим. Ёлғиз қолганимда ўзимча хиргойи қиламан, таскин топаман. Зулфия опамларнинг меҳрли, ақлли нигоҳларини ҳис қиламан.

Зулфияхоним нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда нафис, теран, шиддаткор шеърляти билан ўзбек шоираси сифатида ном қозонган эди. Айниқса, Зулфияхонимнинг Ҳиндистонга ижодий сафарини — дунё ижодкорларининг улугʻ анжуманида дунёга келган шеърый асарини поэтик тафаккурнинг гултожи каби ҳаммани ҳайратга солган эди.

*Шеър ўқийди непад, вьетнам, хитой,
Рус, тожик ўқийди шеърини сарбаст.
Қора алангадай соқолли синглар,
Қордан оқ либосли бенгааллар, ҳиндлар,
Завқидан тебраниб нақ тўлқинли сой...*

... Сен эрмак эмассан, сен — нон, сен — ором,
Орзу покиза.

Сен — Ҳаёт! Ҳаётни қуйла сен мудом,
Эй Мушоира!

“Мушоира” тасвирий санъатларнинг бойлиги билан кишини ҳайратда қолдиради, — деб ёзган эди рус шоираси Вера Инбер, — унда хотин-қизларга хос қузатувчанлик эпик кенглик билан уйғунлашиб кетади. Фикрларнинг теранлиги тўйғунларини тўлқинчилиги билан ҳамоҳанг. Унда ҳаммаша халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун янграган поэзиянинг садосини эшитиб турасан киши. “Мушоира”ни дадиллик билан адабиётнинг дурдонаси деб атай оламиз”.

Зулфияхонимни ҳижроннинг азобли босимлари, ёлғизлиқнинг бешафқат қўллари синдиrhoмади. Унинг мушоира шеъри гўё қитъалар ва унда яшовчи халқларнинг юрак зарби каби жаранглади. Бу сатрлар қудратли қалб тебранишлари сифатида Югославия, Хитой, Япония, Шри-Ланка, Миср сафарлари билан боғлиқлар, Тошкент руҳини халқаро жаҳон адабий ҳаракати билан омухта қилди. У жамоат арбоби сифатида юксала борди. Қаерга борма-син тинчлик, бирдамлик, байналмилал руҳдаги гўзал шеърятнинг туғини кўтарди. Покиза табиатида муаззам шарқ намоён бўлган бу соҳирый овоз жаҳон адабий жамоатчилиги томонидан дастлаб Жаҳоҳарлаъл Неру номидаги ва “Нилуфар” адабий муқофотларига муносиб кўрилди. Болгария халқ республикаси томонидан шоира “Кирилл ва Мефодий” ордени билан тақдирланди.

“Она қалби оёққа турса,
Ўғлим сира бўлмайди уруш”, деб қалқиб турган дунё мувозанатини сақлаб турган оналар овози бўлиб жаранглади.

Шоира гўзал таржималари билан ҳам барча ижодкорларга ўрнақдир. А.Пушчин, М.Пермонов, Н.Некрасов, Вокиф, Леся Украинка, Марварид Дилбозий, Амрита Притам, Десанка Максимович, Габриела Мистрал, Елизавета Багряна, Мустай Карим каби турли шоирлар асарларини ўзбекчага ўтирган. Айниқса, А.Пушчин шеърлари, Н.Некрасовнинг “Рус аёллари” достони, Мустай Каримнинг “Ой тутилган тунда” фожиаси таржималари алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғофуров шундай ёзган эди: “Хотирам синиқлари” нолакор дoston туғилмас эди, агарда қалб енгилган бўлса, нимталанган бўлса, қорайган бўлса... бу етук дошнимандлик билан ёзилган ва ҳар бир сатридан буюқ фарёд ва буюқ армон саслари отилиб турган дoston ўша зўравонлик даврларида шоирлар ўз қалбларининг тоза қаърларига чўкиб яшаганликларини кўрсатади. У зўравон мафкура тазийқ қилиб ўтказган ҳўрриятлар ҳўрият эмаслиги, ватан-

лар ватан эмаслиги, инсонпарварликлар — инсонпарварлик эмаслиги, дўстликлар дўстлик эмаслиги — буларнинг бари остида фақат империячилик ғаразлари ётганлиги, энг қабиҳ ишлар байналмилалчилик ниқоби остида қилинганлигини у пайтда ақли расо одамларгина тушунар, англлар, лекин бу даҳшатли машинага қарши туришга ўзларида куч тополмасдилар. Ўз юракларининг тоза қаърига чўкишдан ўзга чора тополмасдилар. Армон... армон... чексиз армонлар шоирларимизни ўртар эди.”

Зулфия ва Ҳамид Олимжон Аллоҳ амри ила бир-бири учун яратилган улкан ижодкорлар эди. Жиззах кенгликларига Комила аянинг сеҳрли аллаларини эшитиб, олтин бешикда гувранган гудак — Ҳамид вақтлар келиб Тошкент шаҳрининг Деғрез маҳалласида воёга етган пари пайкар билан ҳаётни боғланишини гудак тасаввурига ҳам сифдирмаган эди. Ҳар иккала дарё ҳам йиллар ўтаверди-ю, тошқиниб-тошқиниб бир жойда учрашди. Муҳаббатнинг сеҳрли кучи олдида шоҳу гадо ҳам бош эгган. 17 ёшда нашр этилган Биринчи китоби билан оғизга тушган, Аллоҳнинг мусаввирлик билан чизган гўзал қиёфасига кўзи тушган Ҳамид Олимжоннинг қалбидан оташин севги мавж урган эди. Унинг дилбар шеърляти тўла ҳасос юраги оҳу кўзли, қоп-қора сочларининг жингалак-жингалак халқларга ўзига ярашган, камондек қошлари бир-бирига туташиб, учаётган қалдирғочларни эслатувчи бу қизни кўрганида беихтиёр ҳаёлидан “Ишим бордур ўша оҳуда” сатрлар ўтган эди. Сўнгра унинг муҳаббати ҳаммани ҳайратга солган қийёс гуллаб ётган ифорили бог каби тарихда қолди:

*Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгал бўғимда.
Шунда кўзим кўрди баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни...
Қучоқ-қучоқ гуллар теграним,
Ва келтириб сенга берганим.
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.
Қушлар қуйлар жонимга пайваст,
Мен севгининг қуйи билан маст.
Қуни билан далада қолдим,
Лавазорлар учра йўқолдим...*

Қаранг, дунёнинг эврилишини... Ҳамид Олимжон дилидан тилга кўчган бу бебаҳо сатрлар бугун ҳам ёшларимизнинг тилидан тушмайди. Муҳаббат мадҳиясидай янграйди. Ёки Ҳамид Олимжон:

*Севги десам — фақат сен десам,
Сенинг билан яшанса қалбим.
Сен десаму бутун дунёнинг,
Шўришса қулоқ солсам жим.
Қуон каби айланар бошим,
Қарайман-у, кўзим тинади.
Қарашиндан кўнгал кўзгауси,
Парча-парча бўлиб синади.*

Шоира Зулфия беҳад бахтли эди. Оҳ, бу бахтнинг ширинлиги, бу бахтнинг теранлиги ва бу бахт ногоҳ тақдир зарбаси билан абадий ҳижронга айланганлиги... то шу дамга қадар бундай севгининг ҳижрон деган аччиқ майи халқимиз қалбини титратиб келади. “Саксон

йил ловуллаб ўчмаган ўтман,” — деб ёзди Зулфияхоним. Тасаввур қилинг, тип-тиник самода бир-бирларига ипак қанотларини тегизиб, ҳавода муаллақ ўйинлар кўрсатиб, шодон гу-журлаб учиб кетаётган бир жуфт оқ кабутарни кўз олдингизга келтиринг. Ипак қанотларнинг сирли шовуллашидан само сармаст. Кўёшнинг ипак нурлари бош-кўзларини силаб, ҳовуч-ҳовуч нурларини уларга нисор айлаётган пайтда иккинчи жуфтининг ўлим камонига дуч келиб, ногоҳ қонга бўялиб ерга қулаши... Энди самони мотам қўшиқлари, гиря тутади. Ёлғиз учаётган қуш чарх уриб жуфтини излайди. Саксон йилда ҳам у қулга айланмайди. Бу Зулфияхоним... Ҳамид Олимжондек бекиёс истеъдод соҳиби бўлган, уни еру кўкка ишонмаган, Ҳулқар билан Омоннинг бошларини силаб, уларнинг гулддек дийдорига қараб тўймаган шоирнинг Зулфияхонимга қолдирган фироқ мактублари эди.

Нега Зулфияхоним ижоди дунёни ҳайратга солди? Нега у ўзбек аёлларининг мағрур, енгиб бўлмас, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтувчи тимсоли — вафо, садоқат, ҳаё, она Ватан рамзига айланди. Ахир у оддийгина аёл бўлиб, кўзёшлар денгизига ғарқ бўлиб яшashi мумкин эди-ку! Йўқ, Зулфияхоним қайғу ва изтиробларни тун зулматига улоқтирди. Кўзёшлари тунда болишларни хўл қилган бўлса-да, кундуз — қуёш билан баробар ҳаёт манзилларига йўлга чиққанида унинг кўзёшларини ҳеч ким кўрмади. Одатда, тоққа қанча яқинлашсангиз у шунча узоклашиб бораверади. Унинг сирлилиги, салобати, виқори, йўлқичка юз тутмайдиган қудрати ҳам ана шунда-да!

— Агар Зулфия Арманистонда туғилганида, — деб ёзганди буюк шоир Расул Ҳамзатов. — Силъва, Ленинградда туғилганида Бергольц, Болгарияда Багряна, Югославияда туғилганида ҳам Десанка Максимовичдек машҳур шоира бўла олар эди...

Шоиралик шоирликка нисбатан кам учрайдиган ҳодиса. Ана шундай ярқирок юлдузлар қаторидан ўзбек шоираси Зулфия муносиб ўрин эгаллайди... Асрлар ўтаяпти. Зулфияхоним деган дарёнинг Зулфия деган қизлари келажак кўксига оқиб борапти.

“Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуг қадами туфайли, — деб хотирлаган эди машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, — Шарқ адабиётига санъаткор аёл қириб келди, ёш ва иқтидорли шоиралар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади.

Менимча, Зулфия шоира сифатида ўзбек адабиётининг энг ёрқин намоёндаларидан биридир.

Зулфияхоним номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганида мен ҳам Аллоҳ амри ила шундай қувончли қуларни шоҳиди бўлган эдим. Бир аёл ҳаётни, бир она ҳаётни, бир шоира ҳаётни, қанқунсдай ўтларда қуймаган афсонавий қуш ҳаётни она Ватан учун ҳам азиз ва муқаррамдир. Чунки буюқ Зулфияхоним она Ватанининг заррасини ҳам қуёш қадар севди ва халқимиз қалбига абадий муҳтарам, улугʻ, садоқат ва вафо қуйчиси гўзал Зулфияхоним бўлиб қолдилар:

*Ҳаёт китобимни беҳос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида қулдим чарақлаб.
Суйиш керак бўлса, телбача суйдим.
Қийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлиғидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Қўйдим,
Иzzат нима — билдим.
Шу-да бир яшаш!*

Шарифа САЛМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
шоира.

ТАҚДИМОТ

ИЛМГА ИНТИЛГАН АЁЛЛАР

Республикамизда мустақилликка эришгандан буён аёллар таълими ва илм-фанга кўшган ҳиссасини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, Президентининг Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2022—2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да хотин-қизларнинг таълим олиши ва илмий-ижодий фаолиятини ривожлантириш муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишида маънавий ва маърифий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, айнан шу асосда “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция аёлларнинг илмий ва ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини кенг оммага танитиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни шу стратегия доирасида Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик университетининг психология ва мактабгача таълим кафедрасида илм-маърифат ва санъат соҳасидаги аёллар ютуқларини кенг тариб қилиш мақсадига халқаро лойиҳа устида иш олиб бормоқдаман. Туркиянинг “Baygench” наشريёти билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг таълим, адабиёт ва санъат соҳаларида энг истеъдодли ва билимли аёл-қизлари ижодини жамлаган “Ўzbekistan'in Aydin Kadınları” ва “Gönül Sesleri: Ўzbekistan'in bilim, edebiyat ve sanattaki yetenekleri” номли халқаро антологияни нашр этиш жараёнида катта тажриба ортирдим. Ушбу нашр Пре-

зидентимизнинг илм-маърифат соҳасидаги стратегик мақсадлари доирасида амалга оширилган муҳим ташаббуслардан биридир.

Антология Ўзбекистоннинг турли соҳаларда фаолият юритаётган 50 нафардан ортиқ иқтидорли аёлларининг илмий изла-нишлари, бадий асарлари ва санъатдаги ютуқларини ўз ичига олган. Ушбу тўплам Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, ўзбек аёллари ижодини халқаро миқёсда танитишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур нашр тақдимоти Туркиянинг Алания шаҳридаги Савдо ва санъат палатаси мажлислар залида ўтказилди. Тадбирда икки давлатнинг адабиёт ва санъат намоёндалари, журналистлар ҳамда олимлар иштирок этиб, бу лойиҳанинг маданий ва илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эгаллигини таъкидладилар.

Ўзбекистон хотин-қизлари бугун ҳар қачонгидан-да фаол, ҳар қачонгидан-да ижодкор ва илм-маърифатга интилган ҳолда янги марраларни забт этмоқда. Давлатимизнинг аёлларга таълим ва илм йўлида яратиб бераётган имкониятлари ўз самарасини бермоқда. “Ўzbekistan'in Aydin Kadınları” va “Gönül Sesleri: Ўzbekistan'in bilim, edebiyat ve sanattaki yetenekleri” антологиялари нафақат ўзбек аёлларининг ижодий ютуқларини акс эттирувчи муҳим нашр, балки келажак авлод учун илҳом манбайи, илмий ва маданий кўприк бўлиб хизмат қилади.

Марғуба ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик
университети
катта ўқитувчиси.

ЭРКИН ФИКР

Тан оламан, мен эски давр одаминман. Балки дунёқарашимда ҳам шу жиҳат ўз таъсирига эга бўлса, ажабмас. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўз ишларида фаол бўлганлари эсимда. У вақтда “темир кўзлар” йўқ эди. Одабий кўзлари бор инсонлар — “ГАИ”. “ДАН” ходимлари эдилар. Уларга адолатли гапни тушунтириш мумкин эди. Дейлик, бир машина юк туширяпти. Унинг ёнидан ўтиб кетиш мумкин эмас. Чизиқни, албатта, босасан. Юк тушириб бўлгунча кутишинг ёки орқага бир неча метр қуриб, кейин чапга ўтиб кетишин мумкин, бунини “ДАН” ходимига кўрсатиб ёки озгаси тушунтириш мумкин эди. Ҳозир бундай имконият йўқ. Чизиқни босдингни, тасом, жаримга гирифдор бўласан. Вазиятни тушунтиришга имконият йўқ. Қизик, камералар нега фақат сен йўл қўйган “хатони” кўради, холос. Атрофидаги машиналар ҳаракати камера тасвирига нега туширилмайди. Бундай “ақлли” кўзларни ким ихтиро қилган экан, билмадим, улар ҳақиқий “уста” эканда-а?

Давлатнинг кучи етади, аммо бу ишга яна қўшимча нима учун “хусусий” тадбиркорларни жалб қилган? Тушуниб ётмайман. Ҳар қандай тадбиркор ўз маблагини оширишга ҳаракат қилади. Камера ўрнатувчи “хусусий” тадбиркор” ҳам кўпроқ маблаг топиш томонида туради. Мен рақамларга эга эмасман, аммо биламанки, эски пайтлардаги “ДАН” ходимлари йўл ҳаракатидаги камчиликларни йўқотишда тарбия воситасидан кўпроқ фойдаланишган. Ҳамма нарсасига жарима солаверишмаган. Улар даврида

ЖАРИМАСИЗ ЖАМИЯТ ҚУРИШ МУМКИНМИ?



одамийлик билан бир қаторда жамиятнинг қонун-қоидалари ҳукмирон эди. Ҳозир эса... камерага тушдингми, иш тутайди. Айбдорсан. Бориб жаримангни тўлайвер. Шу билан йўл ҳаракати қоидаларининг бузиллиши қамайди десалар, ишонманг, бу бўлмаган гап. Аксинча, қоида бузувчилар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жарималар ҳар бир ҳайдовчига ёпишиб олган. Йўқса, ҳеч бўлмаса битта ҳайдовчини кўрсатингчи, у бир йил давомидан бир марта ҳам жаримага тортилмаган бўлсин. Ҳа, қоида бузувчилар кўпайиб бормоқда. Бу аҳвол туғайдиган кун келадими? Ахир, фақат жазо доим ҳам одамни тўғри йўлга солмайди. Тарбия керак. Афсуски, тарбия деб жаримани кўрсатишмоқда. Бу — нотўғри. Балки мен ноҳақдирман. Айбдор деб ҳисобламанг, тузалишим мумкин, биргина сўз билан. Фақат меҳрли сўз билан. Шу боис, ўз фикримда қоламан: жазо ҳеч қачон одамни тарбия қилмаган, қилмайди ҳам! Бу тадбирлар вақтинчалик фойда бериши мумкин. Масалан, ота-она ўз фарзандига: “болам, сизгирета чекмагин, бу зиён,” дейди. Фарзанд “хўп” дейди-ю, кўчага чиқиши би-

лан яна чўнтагидан сигаретани олиб туштади. Унга жарима йўқ. Эҳтимол, шундай болаларнинг ота-онасига ҳам жарима солиш керақдир?

Ниятим — жамиятимиз жарималар мамлакатига эмас, тарбия бичимини ўринга чиққан жамиятга уйлانسин. Ўйлаб кўрайлик, энди уйқудан уйонган болакайга “юзингни юв”, десангиз аввалига кўнмайди. Кейин ҳамманинг юзини юваётганини кўрган, у ҳам юзқўлини ювадиган бўлади. Бу тарбия натижасидир. Келингллар, шу йўлга — тарбия қилиш йўлига ўтайлик. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъул ходимлар маҳаллаларга бориб суҳбатлар уюштиришсин. Яхши гап, адолатли тарбиявий таъсир ҳар қандай жаримадан кўпроқ самара беришига ишонаман.

Шахсан ўзим шу жарималар туфайли Миробод туман судига икки марта бордим. Судья мени кечирди. У адолатли ҳукм чиқарди. Энди унинг кўзига кўринишга уялман. Яна қоидадан бузсам, жаримани тўлаганим яхшироқ. Биламан, барбери ўша чизиқни босаман, ўзим истамасам ҳам. Бунинг сабабларини ўрганадиган ташкилот борми? Билмайман, балки

бордир. Улар адолатли фикр айтса, ёмон бўлмасди. “Дарча”да навбат туриб жарима пулини тўлаётганлар камаярмиди, деб ўйлайман...

Чекловлар қўпайгандан қўпаймоқда. Унинг ўрнига масъул ходимлар йўллари қараб чиқишса, камчиликлар озаярмиди? Ўйилган йўл четлари, ўйдим-чўқурларга ким қарайди? Йўллардаги бундай носозликлар хусусий камералар қўйилган жойларда кўпроқ учрайди. Қаерга борманг, машинани қўйиш жойлари йўқ. Муаммо. Қайси кўчага қараманг, “тўхтаб туриш мумкин эмас!” деган тақиқловчи белгилар! Тавба, атайлаб қилинганга ўхшайди.

Менинча, жаримага тортиш борасида хусусийлик бўлмаслиги керак. Чунки жаримадан тушадиган маблағлар давлатга тўлиқ ўтказилса, бюджет камомоди қамаяди-ку? Тарбия масаласида Ўзбекистон ёзувчилар, Журналистлар, Театр арбоблари, Тасвирий ойна каби ижодий уюшмаларнинг таъсирини қучайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Тўлқин МУҲИДДИН,
нафақадан журналист.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат органларининг очиклигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлики йўлга қўйиш бора-сида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиши натижасида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, юртимизда юз бераётган йирик ўзгариш ва янгиланишлар ОАВ вакиллари томонидан ёритиб борилмоқда.



ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИ УЧУН

Яқинда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгазининг қўллаб-қувватлаши асосида Чимбой туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб "Таза-ғара" овул фуқаролар йиғини аҳолисининг бугунги ҳаёти, "маҳалла еттичилиги" ва ҳудуд фаоллари учун яратилган шароитлар, аҳолига маийий хизмат кўрсатиш масканлари ва 52-сонли оилавий поликлиникада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Ҳудуд аҳолиси, асосан, деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Айниқса, томорқачиликни янада ривожлантириш, хо-надонларда уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, кўчатчилик каби фаолият турларини

ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Жами 43 сотих ерда деҳқончилик қиламиз, — деди тажрибали томорқачи Аҳмед Сметов. — Асосий мутахассислигим физика фани ўқитувчиси бўлса ҳам, ота касбини давом эттирган ҳолда шугулчилик билан ҳам шуғулланаман. Ўтган йили томорқадан 100 миллион сўмдан зиёд даромад олдик. Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни муносабати билан ўтган йилнинг декабрь ойида Нукус шаҳрида ўтказилган ҳосил байрамида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси томонидан мултикултиватор билан тақдирландим. Келгусида балиқчилик соҳаси билан ҳам шуғулланишни мақсад қилганмиз.

Пресс-тур иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 январдаги "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғриси-

да"ги қарори ижроси юзасидан тумандаги "Ипак йўли" маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди.

Хусусан, "Lanextrarkt" масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси қизилмия илдинини қайта ишлаш билан шуғулланади. Ўтган йилнинг ўзида Хитойга 8,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ҳозирда корхонада уч сме-нада 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Келгусида чиқиндилардан брикет ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбир якунида ҳудуддаги муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида туманни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2024 йилда бажари-лган ишлар ва 2025 йилга белгиланган вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилинди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

АҲВОЛ



БЕГОНА ЎТДАН

ҚУТҚУЛГАН ЙЎЛ

Аслида ушбу мақола бегона ўт ҳақида эмас, реклама фаолияти, анкироғи, бу фаолиятдаги қонунбузарлик ҳолатини бартараф этиш ҳақида.

Бегона ўтни мисол қилганимиз сабаби эса унинг илдиэи қуритилмаса, яна ўсиб чиқаверади. Худди шу каби, нотўғри реклама тайёрлашнинг олди олинмаса, реклама фаолиятидаги қондабузарликларни бартараф этиш қийин.

"Реклама тўғрисида"ги қонун бўйича юртимизда реклама давлат тилида берилиши шарт. Рекламани бошқа тилда қайд этиш зарурати бўлса, мазкур қонуннинг 6-моддасида "ташқи реклама орқали жойлаштирилаётган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошиб кетмаслиги" белгиланган.

Аммо кўчалардаги рекламаларга эътибор берсак, баъзиларида давлат тили умуман ишлатилмаган. Бошқа тилда берилган ёзув реклама майдонини тўлиқ эгаллаганини эса қонуннинг намоийшкорона бузилиши дейиш мумкин. Реклама бўйича қонунчилик ижросини таъминлаш "Реклама тўғрисида"ги қонунда республика Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига юклатилган бўлиб, у реклама тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериши керак. Ҳўш, бу вазифа қандай бажариларди? Жойларда агентлиكنинг вакиллари реклама тарқатувчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан маълум вақтларда иш олиб борапти, десак тўғри бўлади. Қонун бузилишига асосий сабабчи бўлган, яъни рекламани қонун талабларига риоя этмай тайёрлаётган ҳўжалик субъектлари назоратдан четда қолмоқда. Агар реклама фаолиятида, асосан, уч томон —

реклама тайёрловчи, теклама тарқатувчи ва рекламатдан фойдаланувчи иштирок этишини назарда тутсак, реклама тайёрлаган четда қолиб, зарарни реклама тарқатувчи билан рекламатдан фойдаланувчи кўрмоқда. Чунки реклама талаби бузилгани учун реклама тарқатувчи жавобгарликка тортилмоқда. Айни вақтда давлат тили қонуни бузилгани учун жамият ва давлатга маънавий зарар етказилмоқда.

Яқинда Самарқанд вилоят ҳокимлиги йиғилишида "Реклама тўғрисида"ги қонун ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, бу борадаги аҳволга танқидий баҳо берилди ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг вилоят бўлимига мавжуд қонунбузилиш ҳолатларига барҳам бериш топшириғи берилди. Агар агентлиكنинг вилоят бўлимида йиғирмага яқин ходим ишлашни эътиборга олсак, вилоятдаги ўн мингдан зиёд тадбиркорнинг рекламаларини назорат қилиб бориши қийин экани маълум бўлади. Чунки, биргина Самарқанд шаҳрида мингга яқин катта кўча бор ва ҳатто, шоҳ кўчаларда жойлашган биналардаги рекламаларни тартибга келтириш ҳам осон бўлмади.

Аммо осон бўлмаса ҳам бу аҳволда давом этиш ҳам мумкин эмас. Қатъий чора-тадбирлар қуруқ гапда эмас, амалда бўлиши лозим. Қўлаверса, ҳеч кечиктирмай, реклама тайёрловчиларга реклама тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш бўйича тушунтириш бериш керак. Токи улар реклама давлат тилида бўлиши шарт деган талабни англаб етишмас экан, бу борада жавобгарлик масъулиятини ҳис қилмасликлари аниқ.

Рекламада давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши, аввало, реклама тайёрлашни жараёнда бошланиши керак. Акс ҳолда бу муаммо давом этаверади. Худди илдиэи юлинмай қолган бегона ўт яна ўсиб чиқкани каби.

Хуриш НУРУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳар

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Кунлар исиб, ҳаволар очилган сари юртдошларимиз кўркам хиббонларга, боғларга чиқиб айланишни, қўнгилдагидек хордиқ чиқаришни хошлаб қолишади. Баҳор узок давом этган совуқ кунлардан кейин гузал табиат бағрига қорлайди. Баҳор таровати ва жозибасидан баҳраманд бўлиш учун кимдир оиласи билан тоғга, яна кимдир қорбоғларга боради. Тоғ ўз йўлига, аммо хусусан, шаҳардаги боғлар, хордиқ чиқариш масканларидаги аттракционлар, ўйин қурилмалари тўғрисида мулоҳаза юритмоқчимиз.



Пойтахтимизда замонавий ўйин қурилмаларига эга масканлар ўз бағрига ёшларни қорлаб туради. Ғафур Ғулум номидаги "Dream park", "Magic city", "Анҳор-локоматив" каби кўнгилочар масканларда ўзгача табиат таровати, атрофдагиларнинг хушчақчақ кайфияти, болаларнинг шодон кўлигига гувоҳ бўласиз. Афсуски, баъзида хурсандчиликка соя соладиган ҳолатлар ҳам рўй бериб туради.

Масканга айланиш учун борган киши аттракционлар, аргимчоқларнинг ҳақиқий ҳолатини билмайди. Қурилмалардан фойдаланаётганларнинг эса асосий қисмини ўсмир ёшлар ташкил этади.

Баъзи ёшлар аттракционлардан фойдаланишнинг ҳам йўл-йўриғи, тартиб-қоидаэи борлигини билишмайди, айримлари билишса ҳам, риоя қилишмайди. Ана шундай қоидаларга амал қилмагани учун аттракционларда тоби қочиб қолганларга, баъзида эса ундан ҳам кўнгилсизроқ ҳолатлар рўй бергани гувоҳимиз.

Мисол учун, Қашқадарёдаги исти-

ҚУВОНЧИНГИЗ ТАШВИШГА АЙЛАНМАСИН!

Ёки инсон хавфсизлиги ҳар нарсадан устун эмасми?

роҳат боғларининг бирида аттракциондаги одам кўнгиқчоқдек ҳавога учиб кетиб, ерга йиқилганини кўрдик. Маълум бўлишича, махсус ўриндиқдаги йиғит хавфсизлик қоидаларига амал қилмай, ҳимоя камарини тақмаган. Бунинг оқиба-тида ҳушини йўқотиб ерга учиб тушган.

Шунингдек, ўтган йили ёзнинг ўрталарида пойтахтдаги дам олиш масканидаги аттракциондан эътиборсизлик оқибатида икки нафар юртдошимиз шиддат билан ҳаракатланаётган ўриндиқдан отилиб кетиб, ерга қулаб туш-шадди ва жиддий жараҳат олишадди...

Ҳа, бу каби нохуш воқеалар учраб турибди. Ҳўш, бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Аввало, ким бўлса ҳам белгиланган хавфсизлик қоидаларига

МУТОЛААДАН СЎНГ

ЯНГИ ВА ЯХШИ КИТОБ ЎҚИШ ҚУВОНЧИ

Меванинг эртакиси бошқа бўлади. Қаҳратон қишдан кейин "интизорлик торта-торта" етишган неъматни кўлга олганлар "омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик", деб кўзга суради. "Тилда, фикрда, ишда бирлик!" тўплами ҳам "Jadid" газетасининг матбуотимиздаги "эрта пишар нав" эканини кўрсатиб бери.

Бир йиллик ижод маҳсулининг қаймоғи йиғилган китоб рангли, безакли, сифатли ҳолда нашр этилган. Ҳам қозонинг, ҳам сўзининг салмоғи бор. Таниқли ижодкор Икром Бўрибоев таъбири билан айтганда, яқин одамнингизга ҳаёда сифатида берсангиз арзийдиган мухташам тўплам. Аммо шундай китобни кўшқўллаб бериб юборадиган мард борми? Бор экан.

Керак пайтда керакли жойда бўлишнинг ҳикмати кўп. Бахтли тасо-диқ туфайли камина "Jadid" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзоянинг хонасида шундай вақтда пайдо бўлдимки, ҳурматли ижодкоримиз олтин ёмбисидек тахлаб қўйилган китоблардан бирини ҳаёда қилди.

Китобни пойтахти азим кўчаларида, метрода, университетда намоийшкорона олиб юрдим. Кўрганлар ҳавас ва ҳайрат билан қаради. Ўзимча ўйладим: буям бир тарғибот-да.

Одатда бу каби нашрлар ташаббускор ва ҳомиёларга миннатдорлигу мақтов руҳидаги муқаддимадан бошланади. Йўли шундай бўлса керак, ҳар ҳолда одамларга шукур қилмаган, Яратганга ҳам шукур қилмайди, деган ҳикмат беҳиз эмасдир. Бандага шукур эса миннатдорлик кўринишида бўлади.

Ушбу китоб эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг газета тахририятига йўллаган табриғи билан очилган. Гуё Давлатимиз раҳбари янги газета ва у орқали зиёлиларимизга ишонч ёрлиғини топширгандай.

Шунингдек, "Jadid"нинг ташкил этилиши Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровдек устоз қаторида Султон Раев сингари халқроқ миқёсдаги арбобларнинг қувончига сабаб бўлгани ўзгача ифтихор ҳиссини бағишлади.

Аксар ўқувчилар каби, аввало, дизайн эътиборини тортиди. Суратлар жуда сифатли, сунъий интеллект ёрдамида қизилган расмлар ҳам ўзгача чирой бағишлаган. Замон билан ҳамнафас ижод. Хусусан, Абдулла Аъзам, Ҳалима Худойбердиева, Султон Раевларнинг суратларида ажиб бир маҳобат кўрдим.

Матнлар ҳам бегона эмас: 2024 йилда ўқиганимиз мақолалар, тадқиқотлар, шарҳлар, суҳбатлар, репортажлар, тақризлар, эсселар, нутқлар ва бошқалар.

Модомики, барчаси вақтли матбуотда, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда эълон қилинган экан, уларни бир муқова остига жамлаш эҳтиёжи бормиди? Ҳа, бор экан! Шиддатли асримизда газетанинг йиллик тўпламини кўтариб юришни тасаввур қила олмасизми? Мабодо, бирон материал зарур бўлса 52 та сонни варақлаб чиқишни-чи? Ин-



тернетдан қидириш учун ҳам ҳеч бўлмаганда ҳам сарлавҳа ё муаллифни эслаб қолиш керак. Тахририятдан ҳам сўраса бўлади, аммо у ердагиларнинг вазифаси беминнат хизмат кўрсатиш бюроси ходимлариникидан фарқ қилади...

Агар юқоридаги сабаблар бўлмаганда ҳам барибир, янги ва яхши китобнинг чоп этилиши ижобий ҳодисадир. Айниқса, ёшлар учун тайёр қомус, ижодкорлар учун маҳорат дарслиғи. Мисол учун айтаман-да.

Мутулаадан сўнг китоб мундарижасидан баъзи саҳифаларни белгилаб қўйдим:

58. Абдулла Аъзам. "Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл..."

112. Абдуқайом Йўлдошев. Ҳалима ҳам ўтиб кетди, билмадик.

162. Оқил Салимов. Сизга берилган имкониятни асранг!

168. Муассар Иброҳимова. Математика масалани ҳаётдан олади.

281. Назир Муҳаммад Айёд. Глобаллашув жараёнида Ислон: мўтадиллик ва баргикенглик.

291. Баҳодир Искандаров. Бас қилинг, эй "меҳри дарё" оналар!

318. Зарнигор Иброҳимова. "Бобурнома" Данте диёрида.

333. Икром Бўрибоев. Ҳамма ўқияпти. Ўқинг!

Қисқа рўйхатнинг ўзида кимлар йўқ дейсиз? Академик, ёзувчи, шоир, журналист, ижтимоий тармоқ фаоли... Турли ёш вакиллари. Шунинг ўзи ҳам китобнинг ранг-баранглигини, мақолалар ҳаби танланганини билдиради.

Баъзилар насрий ва назмий асарларга меҳр кўп кўргузган ҳолда публицистик китобларга андан нописанд қарайди. Худди мақолаларда эслаб қолишга, тағига чизиб қўйишга лойиқ гаплар бўлмайди-дегандай. Дарвоқе, кўп қатори китоблардаги ўзимга ёққан сатрларнинг тағига чизиб, бошқаларга ҳам улашаман.

"Тилда, фикрда, ишда бирлик!" тўпламида ҳам ана шундай парчаларга дуч келдим. Номининг ўзи бутун ҳикмат! Қуйида ён дафтарга қўйиб қўйганларимдан айримлари:

Ҳайриддин СУЛТОН,

ёзувчи:

"Шу аснода беихтиёр бир савол туғилади: биз нега енгил-елпи томошаларни сақич чайнаб, бодрок кавшаб қўриладиган концерту фильмларни хуш кўрамиз? Сабаби оддий — улар бизни ўйлаш, фикрлаш деган ташвишдан халос қилади.

Мумтоз санъат эса бунинг аксидир. У шунчаки хордиқ чиқариш

воситаси эмас, аввало, қалб сўроғи, виждон кийноғидир.

Мумтоз санъат асарлари одамзотни ҳаёт ҳақида ўйлашга ундайди, охират куни савол-жавоб муқаррар эканини эсга солади. Дунёга келиб ҳалол-пок яшадимми, ота-онам олдидаги қарзимни ўздимми, фарзандларимга тўғри тарбия бердимми, халқ, миллат, Ватан олдидаги бурчимни адо эта олдимми, деган оғир-оғир саволларни ўртага ташлайди. Хоҳласак-хоҳламасак, бизни шу ҳақда мулоҳаза ва мушоҳада юритишга, инсонлик мақомига қайтишга мажбур қилади..." (Икром Искандаров. "Ўзбек миллий руҳи завоёл билмағай").

Шавкат АЮПОВ, академик:

"Математика масалани ҳаётдан олади ва уни математик усуллар билан ечиб, амалий равишда ҳаётга қайтаради.

...Мен доим математикани ўрганишда ўқитувчининг, айниқса, мактаб ўқитувчисининг ўрни жуда катта эканлигини таъкидлайман. Чунки бу фаннинг амалий аҳамияти тушунтириб берилса, ўзлаштириши паст болалар ҳам қизиқиб қолади. Аксинча, мураббий қолигга тушиб, фақат қоида ва теорема ёдлатиб, ўқувчиларнинг тушунмаган саволларига жавоб бермай дарс соатини ўтказса, қарабсизки, икки-уч дарсдан сўнг болаларда "Математика умуман тушуниб бўлмас фан экан", деган нотўғри тасаввур ҳосил бўлади.

...Аслида математика кишини мантқиқий фикрлашга ўргатади. Кўпчилик бу фанни фақат ҳисоб-китоб машқи деб тушунади. Аммо теоремани ёдлаб гапириб беришнинг ўзи етарли эмас. Аксинча, ҳар бир қондани тушуниш, унинг исботини билиш зарур. Шундагина формулалар эсда қолади.

...Мактабда ўқитувчининг роли бекиёсиги шундаки, у математик муаммони ечган, амалиётда бу нимага кераклиги, қаерда қўлланилишини тушунтириб бериши зарур" (Муассар Иброҳимова. "Математика масалани ҳаётдан олади").

Китобни хатм қилгач, яна муқовага қайтдим. Пастки ўнг бурчакка "1" ёзиб қўйилган. Демак, бу ҳали бошланиши, серия давом этажак. Ҳаракат қилиб янги мақолалар ёзсак, ажабмас, кейинги тўпламларга биз каби каминани камтаринлар ҳам кириб қолсак. Шунақа, зебо китобда исминг чиқса ана натижа-ю, қандай зўр рағбат! Насиб этсин.

Ҳақиқатан ҳам китоб "Jadid"чиларнинг халқ ва давлат олдидаги илк катта ҳисоботи бўлди. "Сўзумни ўқуб англайсан ўзумни", деб ёзди ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шу маънода тўплам билан танишиб чиққанларда газеталар баҳо бериш имкони туғилади.

Юртдошларимизни, юртимиз зиёлиларини ҳақли равишда "Jadid"газетаси кутубхонаси" сериясининг бошланиши, илк китобнинг чоп этилиши ҳамда катта тақдирот билан чин юракдан кутласак арзийди. Ахир, "ҳамкасб ютуғидан қувонмоқ ҳам бахт" (Омон Матжон). Китоб устида меҳнат қилган барчага ташаккур!

Отабек БАҚИРОВ,

"Yoshlar kundaligi" журнали муҳаррири.

ТААССУРОТ



Самарқанд – тарихнинг минг бир зарбасини кўрган ва ўзида чексиз ҳақиқатларни, не-не хил-қатларни сақловчи боқий шаҳар. Бу масканга қаддам кўйган инсон учун янги бир дунё очилади. Қад ростлаган бинолар ўзининг тенгсиз гўзаллиги ва маҳобати билан нимадир демоқчидек туюлаверади.

Шубҳасиз, Самарқанд саёҳатини истаган одам борки, кўҳна Регистон майдонини, Амир Темура ва унинг яқинлари мангу кўним топган Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним зиёратгоҳларини, Ҳазрати Ҳизр мақбара ва масжидларини зиёрат қилади.

Самарқанд кўчаларида юрар экансиз, мана шу йўллардан бир пайтлар Буюк Амир Темура, Мирзо Улугбек ва бошқа улуг инсонлар юрганини, жангу жадал, сулҳу ободлик, расму русум, яна недир буюк ишлар учун ўтганини ҳис қиласиз.

Рўйи замин сайқали бўлмиш бу шаҳарга тўртинчи бор йўл олдик. Оиламдагилар турли юмуш ва ташвишлар баҳонасида келганлар. Мен бўлсам, уларга Самарқанд зиёрати учун қўшилганман. Бу шаҳарни янада теранроқ ҳис қилишга уринаман. Нақшинкор бинолар ва уларнинг мовий гўмбазларидан ўзимча сир-синоат, ҳақиқат излайман...

Самарқандга кириб келар эканмиз, шаҳарнинг марказий ва қадимий савдо масканларидан бири Сиеб яқинидан ўтамиз. У ердан унча узоқ бўлмаган масофада, шаҳар ичида оқ девор билан ўралган қум тепалиқлар эътиборимизни тортиди. Дастлаб Самарқанднинг пойтахт бўлгани ва қадимий обидаларнинг кўп қисми яхши сақланиб қолганлиги, туризм марказларидан эканлиги сабаб ҳам замонавий шаҳар ичидаги қум тепалиқлар бироз ўйлантриб қўйди. Қандай сирларни ўз қарвида сақлаб келмоқда экан бу қумтепалар?

Шаҳараро саёҳатимизни одатдагидек Регистон ансамблидан бошладик. Майдонда ўз даврининг йирик илмий марказлари бўлган Улугбек, Тиллақори, Шердор медресалари жойлашган бўлиб, улар олис тарихдан сўзлаётгандек. Регистоннинг ён томонида биринчи президентимиз Ислам Каримов ҳайкали қад ростлаган. Икки объект ўртасидаги кўча билан Сиеб бозорига чиқилади. Маълумотларга кўра, ушбу бозор нафақат Ўзбекистонда, балки Урта Осиёда ҳам энг катта ва қадимий бозорлардан саналар экан. Майдони 7 гектарни ташкил этадиган бу жойда авваллари Ер юзида биринчи бора қоғоз ишлаб чиқарилгани ва сотилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Сиеб яқинидан Сиеб дарёси оқиб ўтади ва бозор номи ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, “қора сув” деган маънони англатади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ушбу бозордан дунёнинг турли томонларидан келган меҳмонларнинг қадами узилмайди.

Бозор айланишни кейинроққа суриб тахминан 2 км шарқ томонга юрилса, панжара деворлар билан ўралган кенг майдон саҳни ва Самарқанд давлат тарихи музейи кўзга ташланади. Шу ерининг ўзидан кўп асрлик тарихни яшириб ётган Афросиёб ёдгорлиқларига кириш имкони бор.

Афросиёб қалъаси – Ўзбекистоннинг тарихий-археологик ёдгорлиқларидан бири бўлиб, VII-XIII асрга тегишли шаҳар қолдиқларидан иборат. Бир қараганда шунчаки баланд-паст тепалиқлар ва сайхонликдан иборат майдон. Ана шу ерда бир вақтлар шаҳар бўлганига ишонмиш қилин. Лекин тупроқ остида қолган кент аста-секин бизга сирларни оча бошлади. Ўтган даврларда Афросиёб шаҳри Самарқанднинг маркази бўлган. Афросиёб сўзининг изоҳли маъносига тўхталсак, “афро” – шаҳар, “сиёб” – дарё “дарё устидаги шаҳар” маъносини англатади. 219 гектардан иборат кенг сайхонлиқлар, тепалиқларда ҳануз қазилма ишлари олиб борилаётган. Чунки шаҳарнинг дастлабки тарихи ҳақида ёзма манбаларда ҳам етарли маълумотлар мавжуд эмас. Фақатгина

XVII асрдан кейинги манбаларда бу ерларни “Ҳисори Кўҳна”, “Қалъаи кўҳна” номлари билан аташгани ва шаҳарда сўғдийлар яшагани айтилади. Унинг бутунлай харобага айланиб, қум остида қолишига сабаб сифатида XII асрда мўғулларнинг аёвсиз босқини кўрсатилади. Ушбу тарихий аҳамиятга эга ёдгорлиқлар ҳозирги кунда халқаро Юнеско рўйхатида киритилган.

Археологик қидирувлар давомида шаҳар аҳолисининг ўша даврдаги яшаш шароити, урф-одатлари, савдо-сотик марказлари, кўча ва майдонлари, ҳунармандчиликнинг қандай бўлгани ҳақида маълумотлар тўпланмоқда экан. Хусусан, Самарқанд тарихи оид масалаларга ойдинлик киритувчи топилмалар ҳам айнан шу қалъадан топилган. Масалан милoddан аввалги V-VI асрларга тегишли мудофаа деворлари остидан гуваладан қурилган янада қадимги девор қолдиқлари очилиб, Самарқанднинг ёши милoddан аввалги VIII аср ўрталарига оид эканлиги ўз исботини топган. Шаҳарнинг арки аъло қисмида милoddий VIII асрга оид мурабба шаклидаги Самарқанд ихшидларининг маҳобатли саройи қолдиқлари топилиши шулар жумласидандир.

Сўғдиёнанинг маркази Мароқанд (ҳозирги Самарқанд) шаҳри бўлган. Мароқанднинг қолдиқлари сифатида ҳозирда “Афросиёб шаҳри харобалари” номи билан сақланидиган мезморий ёдгорлиқлар тушунилади.

Тепалиқларнинг шундоқ ёнгинасида 1970 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Афросиёб – Самарқанд шаҳри тарихи” музейи мавжуд бўлиб, шаҳарнинг шимолишарқий қисмида жойлашган. Афросиёб шаҳри қолдиқлари ва топилмалари айнан шу музейда сақланар экан. Умуман, жамики музейлар ватанимизнинг



бой тарихи ва дунё тамаддунидаги ўрни ҳақида сўзлайди, ҳикоя қилади. Кўпларнинг эътиборини тортмайдиган, лекин қадим Самарқанднинг ўзидан-да қадимий кечмишдан дарак бераётган бу музейхона катта илмий ўрганишларга манба бўладиган тарих саҳифаларидир.

Музей икки қаватдан иборат бўлиб, экспозиция залларида милoddан аввалги биринчи минг йилликдан XIII асрнинг бошларигача бўлган даврдаги Самарқанд тарихига оид осори-атиқаларни ўзида муҳасам этган. Музейда кўҳна Самарқанднинг маданиятини ёритувчи сопол, шиша, тош, металл, суяк, қоролпастика ва меъморий нақшлардан иборат 20 мингдан ортиқ экспонатлар бор.

Ушбу қадимий шаҳар ва буюқ ҳақида батафсилроқ маълумот олиш мақсадида музейнинг катта илмий ходими Дилноза Искандарова билан суҳбатлашдик:

— Ушбу музей Афросиёбнинг тарихи ва моддий маданиятини ёритиб бевуғчи тарихи ҳисобланади. Бу ерда умумий ҳисобда 3 мингга яқин экспонат мавжуд. Маълумки, сўғдийлар яшаган бу ҳудуд

Сўғдиёна деб аталган ва Самарқанд унинг маркази бўлган. Шаҳарчада қидирув ишлари анча йиллардан бери давом этиб келмоқда. 1965 йилда Афросиёб ёдгорлиқларидаги қазималар чоғида қадимий қаср деворларидан суратлар топилган ва шу ерда 1970 йили ушбу муҳташам археология ва тарих музейи бунёд этилган, — деди Д.Искандарова.

Бу билганларимиз, эшитганларимиз қанчалик ҳақиқат ёки йўқ, англаш мушкул, лекин ер остини қазиб вақтида топилган деворлардан кўчириб олинган бўлақлар музей экспонати сифатида сақланиб турар экан, уларда VII-VIII асрларда ишлатилган минерал бўёқларнинг ҳануз сақлангани ва кўзни олишига қараб, беҳад пол бўлади одам.

Шаҳар ичра шаҳар, тарих ичра тарих. Нақадар муаззам илмидир, нурдир, ҳикматларга қоришиқдир халқимизнинг кечмиши. Бу муқаддас тупроқда одамлар шунчаки яшаб ўтмаганлари, юксак маданиятга эга бўлгани, илму ҳунарда тенгсиз бўлгани, ўз ерини ёвдан қаттиқ ҳимоя қилгани, зако, идрок, иқтидор ва меҳнат билан қандай улкан иншоотлар барпо қилганидан дарак бермоқда бу тарих қолдиқлари. Афросиёб шаҳрининг харобаларини кузата туриб, халқимизнинг шони ва шаъни яққол намоён этилган бир суронли воқеалик манзараси кўзлардан тасмадек ўтади. Ҳа, яқинига бориб кўрган сари, ўзингиз манзараларни, ҳодисаларни, тарихни, аждодлар қиёфасини, ҳаёт тарзини ҳаёлингизда яратасиз ва ўзингиз ҳаёлингизда томоша қиласиз экан.

Юртдошларимизга Самарқанд сафарларига чиққанда, бошқа зиёратлар қатори, ана шу меъморий обидани ҳам кўриб ўтишларини тавсия этган бўлардиқ. Зеро, бошқа ёдгорлиқлар қатори, у ҳам ҳар биримизни улуг аждодларга муносиб бўлишга чорлайди. Кун келиб, хорижлик сайёҳлардан, тарихшу-

нос олимлардан эшитиб билгандан кўра, ўз кўзимиз билан бориб кўрганимиз яхшироқ, албатта.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Саёҳат давомида бугунги Самарқандда ҳам кўпдан-кўп янги қурилишлар, жумладан, кўп қаватли уйлар ва турли иншоотлар бунёд этилаётганига, йўлларнинг таъмирланаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Самарқандга туташ янги шаҳарча — “Samargand city”нинг қад ростлаётгани — юксалиш намунаси. Қолаверса, шаҳарнинг янада кенгайиб, обод ва кўркем бўлиб бораётгани яхши. Аммо... бир ҳақиқатни тан олайлик: бутун дунёни ўз тарихи, бетакрор обидалари, майдонлари, катта-кичик қадим йўллари, йўлаклари билан ўзига чорлайдиган гўзал Самарқанди азимни ҳеч ким биринчи навбатда 20 ёки 40 қаватли қурилган замонавий уйларни кўриш учун келмайди. Ҳамма қадим Самарқандни кўргани, муборақ қадамжоларни зиёрат қилгани келади! Шуни унутмаска ва шу боис, шаҳардаги бирорта эски кўча, ободага, улардаги бирор гиштга ҳам зиён етказилмаска бўлгани...

Гулнора ИКРОМОВА



ХОРИЖ

УКРАИНА АҚШ ЁРДАМИДАН МАҲРУМ БЎЛАДИМИ?

АҚШ президенти Доналд Трамп Украинага етказилаётган барча ҳарбий ёрдамларни тўхтатиб қўйишни буюрди. Бунга жорий йилнинг 28 февраль кун Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувда президентлар ўртасидаги ўзаро тортишув сабаб сифатида кўрсатилмоқда.

Музокаралар чоғида Украина президенти В.Зеленский Россия президенти Владимир Путин билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарши чиқиб, аввалроқ Москва мавжуд келишувларни бир неча бор бузганини таъкидлади. Бунга жавобан Трамп Украина президентини танқид қилиб, уни уришни давом эттириш истаги борлиги ва Америка томонга ҳурматсизлик қилганда айблади.

Воқеадан сўнг Трамп маъмурияти Украинага барча жорий ҳарбий ёрдамни унинг раҳбарияти тинчликка содиқлигини намоиш этмагунча тўхтатишни эълон қилди.

“Бу ёрдамнинг узил-кесил тўхтатилиши эмас, бу пауза”, — дея Трамп маъмурияти расмийсининг сўзларидан иқтибос келтирган “Fox News” телеканали.

ТУРКИЯДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

Туркиянинг “Адолат ва тараққиёт” партияси раисининг ёрдамчиси Ҳусайин Яйман маълум қилишича Туркияда муддатидан олдин президентлик сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Хабарга кўра, ушбу сайлов 2027 йилнинг ноябрь ойларида бўлиб ўтиши мумкин.

“Худо хоҳласа, 2027 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтадиган навбатдаги президентлик сайловларида президентимизни (Эрдоған) яна бир бор номзод қилиб кўрсатамиз ва Туркия осмонида Республикачилар альянси байроғи хилпирайди. Бошқа номзодларга эҳтиёж йўқ”, деган Яйман партиядошлари билан бўлиб ўтган учрашувда.

Маълумот ўрнида шунга айтиш мумкинки, 20 йилдан бери мамлакат сиёсий ҳаётида юқори поғоналарга кўтарилган Туркия президенти Ражаб Таййип Эрдоған жорий йилда 71 ёшга тўлади. У 2014 йилдан буён президент сифатида фаолият юритмоқда.


ИСРОИЛ ҒАЗОДА ҲАРБІЙ ҲАРАКАТЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚЧИ

Исроил томон Рамазон ойи бўлишига қарамай, Ғазога гуманитар ёрдам киришини тўхтатиб қўйди. Исроил бош вазири Нетаняху ҲАМАС ҳаракатини қабул қилиб бўлмас шартлар қўйиш ва инсонпарварлик юкларини ўғирлашда айблади.

Ҳозирда Исроил ҳукумати Фаластин ҳудудидан қўшинларини олиб чиқиб кетмасдан ҲАМАСни гаровга олинган исроилликларни қўйиб юборишга мажбурлаш учун “жаҳаннам режаси”ни тайёрламоқда деб хабар бермоқда “The Guardian” нашри. Режа электр энергияси ва қолган сув таъминотини узиб қўйишни, Ғазо шимолида яшовчи фаластинликларни жанубга қўчиришни ўз ичига олади. Бу эса кенг қўламли урушнинг эҳтимолий қайта бошланишига йўл очади. Агар ҲАМАС ҳаракати барча гаровга олинганларни озод қилиш билан боғлиқ сулҳга рози бўлмаса, 10 кун ичида Ғазо секторидида ҳарбий ҳаракатлар бошлаш билан таҳдид қилимоқда Исроил.

“GENERAL MOTORS” СУНҲІЙ ИНТЕЛЛЕКТГА САРМОЯ КИРИТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

“General Motors” (GM) компанияси сунғий интеллект (AI) технологияларини электр автомобилларни ишлаб чиқариш, юк ташиш жараёнлари, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш учун фаол жорий этишни режалаштирмоқда.



GMнинг юқори лавозимли вакили Дейв Ричардсон AI электр ва ички ёнув двигателли автомобиллар, шунингдек, автоном транспорт тизимлари келажакда муҳим ўрин тутушини таъкидлаган.

Шу мақсадда компания аввал “Cisco” компанияси AI бўлимига раҳбарлик қилган Барак Тувровскийни ишга олган. Унинг тажрибалари AI технологияларини GM маҳсулотларига жорий қилишни тезлаштирилишига олиб келиши кутилмоқда.

Бугунги кунда GM сунғий интеллект технологияларидан электр автомобиллар учун қувватлаш станцияларининг энг қулай жойларини аниқлаш, дилерлар учун автомобиль буюртмаларини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришда фойдаланилмоқда.

Интернет маълумотлари асосида
Гулнора ШЕРМАТОВА тайёрлади.



ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ




юртдошларимизни муборак
РАМАЗОН ОЙИ
билан чин қалбдан табриклайди.
Халқимиз учун азал-азалдан меҳр-
оқибат, шукроналик ва бағрикенглик
тимсоли бўлиб келган ушбу қутлуғ
ойда тутиладиган рўзалар, адо
этиладиган савобли амалларни
Яратганнинг ўзи қабул айласин.

Шу жумладан, яқинлашиб келаётган

**8-МАРТ — ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

билан юртимиздаги барча мунис
онажонларни ҳамда дилбар хотин-
қизларни муборакбод этган холда,
уларга ҳамisha мустаҳкам соғлик, бахт
ва омад тилайди.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



СИЙРАТ

ҲАВАСГА ШЕЪР ЁЗМАГАН АДИБ

(Истеъдодли шоир Олқор Даминни ёд этиб)

Кўнглинга ёқадиган ҳикоями, шеърми ўқиганда инсон умрининг тотли лаҳзаларини яшаб ўтгандек ҳис қилади. Миён-қол воҳасининг катта шоири, марҳум Олқор Даминнинг шеърларини ўқирканман, гўё кимдир кўлимдан тутгандай, унутилган болалик эртакларим томон етаклагандай туюлди: “овлоқ тоғлар куйчиси булоқлар”, “яшил рўмолли қирлар”, “булут ҳидига тўлган қишлоқ”, “соғда қуёш”у “эрка шамоллар”, “болдан ширин ҳаёл”, “шеър ҳиди келган тупроқ...” Шоир яшаган жайдари ва нозанин ҳислар Оқёлли Октовнинг буйчан ва ўйчан қизи сифатида айни дамда менга ҳам тан: “жилғалардан ётиб сув ичишлар”, “юракни ҳаётга эсталикка бериш”, “ғам қўйнида жилмайиб турмоқ”, “булоқдан тиниқ бўлишга аҳд”, “ўзини излаб шеър ёзмоқ...”

Мен ҳавасга шеър ёзмадим, Кўрсатай деб ўзимни. Мен шеър ёёдим, шеър ёзурман, Излай-излай ўзимни... Тупроқ каби ҳокисор инсон, ўзини ўзи излаб яшаган шоир, афсуски, бугун орамизда йўқ. Унинг ўлими ҳам ўзининг рангида келган: сирли. Талаба эртаги имтиҳонга нечоғлик тайёрланса, инсон ҳам ўлимга шу қадар ўзини ҳозирламоғи айтилади сўфийлик фалсафасида. Ҳаёт бўлганида яна неқадар тўкмагизли шеърларини тақдим этарди бизга! Унинг кўзларида Биров билиб-биров билмаган катта оғрик, ҳаётга ошиқлик ва тавозе бор эди. Дунёдан сента не керак деб сўраса, фақатгина қоғоз ва қалам сўраган сўфий шоирнинг “кўксига экилган лопалар”, афсуски, бу гал ял-ял товланиб, ўзи севган баҳорга пешвоз чиқолмайди. Баҳорни, ялпизни, анғизни, қизларнинг зулфини сийпалаган муаттар шамолларнинг кўнгли рубобини чала-чала қўйлайди шоир. Шеърларида у ҳаммани баҳорга ўхшатади не-

гадир: онасини, сингилларини, қизини, самимийликни... Самимийлик дунёга оро берувчи, ҳаммага баробар бағир очиб чечак тутган муҳташам баҳордир, шоир нигоҳида. Шоир оғанинг ўзи ҳам қиш оёғи, баҳор боши – 20 февралда туғилган экан. *Кўримсиз ариқнинг бўйларин, Ялпизнича бўйлари бурқади. Шодликка айланган шамоллар Бу ҳидни кўзига суртади. Аминман, замонлар келарки, Дунёда қолмагай ёмонлар. Ва шунда қуёшдай, баҳордай Ажойиб бўлади одамлар.* Отаси ҳақидаги хотираларни қизи Нигора Жўраева шундай ҳикоя қилади: — Отамиз етти фарзандига ҳам “сиз” деб мулоим гапирарди. Онамизни ҳам худди шундай ҳурматлар, сиз туфайли эмин-эркин юрибман, ҳайкал қўйса арзийдиган аёлимсиз, дерди. Онамиз Рисолат ая тиниб-тинчимас тadbиркор, буддиш-шудли, вазифасини ортиғи билан адо этган аёл эди. Маҳалланинг кўрпасими, ёстиғими, кийим-бошимни, ҳаммасини онам ишдан келгач, ярим кечалари ухламасдан тикиб ўтирарди. Ёзувчи Ойбекнинг ҳаётида рафикаси Зарифа Саидносованинг ҳиссаси қанчалик улуглигини ўқиганман. Дамда ҳам онам доимо тиргак турган, биз етти фарзандни қишлоқда ўзи эплаб-сеплаб вояга етказган. Дадам, деярли Самарқандда, Тошкентда ишлаб юрар, қишлоқдаги уйимизга бир - бир ярим ойларда келарди. Бу ҳақда ёзилган шеъри ҳам бор. *Ўз уйимга меҳмон бўлдим, сени деб, Тубанларга душман бўлдим, сени деб, Оз бўлса-да сарсон бўлдим, сени деб, Пастга қадри арзон бўлдим, сени деб, Онажоним, муштларим Шеърят!* Биров билиб, биров билмай ранжитар, Яхши одам элга меҳрин ганж этар,

Совуқ сўзлар қуёшни ҳам жунжитар, Нега ҳамон одам дилни инжитар, Онажоним, буюқ дардим, Шеърят! Бир сафар, унда гўдак эдик, дадам бизни ҳам Тошкентга кўчириб кетди. Уйдан-уйга қўчавериб сарсон бўлганмиз. Энди янги жойга ўринлашганимизда “боласи кўп экан”, дея ҳайдаб солишарди. Форобий кўчасидаги ижара уйда кўпроқ муддат яшаганмиз. Онам уйимиздан узоқроқ ерда чини заводида ишга кирганди. Шу миёнларда дадам бир иш билан Иштихонга келади ва у замонги совхоз директори Фазлиддин Пирназаров билан учрашиб қолади. Раис дадамнинг аҳволига ичи ачишиб дарҳол уч хонали уйнинг қалитини тутқазади: “Мана бу “КАМАЗ”ни ол-да, болаларни сарсон қилмасдан дарҳол кўчингни кўчириб кел”, дейди. Дадам бу сийловдан терисига сигмасдан Тошкентга келса, онам дарҳол унинг қўлига бир конверт тутқазади. Очиб ўқиб қараса, беш хонали уй олшига ордер. Навбатга ёзилиб қўйган экан-да. Қишлоқда уч хонали, Тошкентда беш хонали уй, қай бирини танласа экан-а? Аммо раисга лафз қилди. Онамнинг қишлоққа қайтмаймиз, дея йиғлашига, ҳай-ҳайлашига қарамай, эртасига қишлоққа қараб йўлга тушдик. Шу-шу, биз фарзандлар қишлоқда, дадамыз шаҳарда, то у кишининг вафотига қадар бир-биримиздан узоқда ашадик. Дадам вафот этишига яқин, негадир қишлоққа тез-тез келадиган бўлиб қолганди. Онамнинг айтишича, бир куни негадир жуда кайфиятсиз кўринган. Қўчоқ-қўчоқ кўлёмаларини ҳовлига чиқариб ёқиб юборган. Онам қоғозларни оловдан олмоқчи бўлса, дадам изн бермаган. Қўявер, ёнсин, деган чуқур изтироб билан. Сўнгги бир ой ичида онамдан “Мени кечир, сени аяй олмадим, кўп уринтирдим...” дея қайта-қайта узр сўраган. Дадамнинг касалини на Тошкентда, на Самарқандда аниқлай олишмади. Билганимиз – унинг иштаҳаси чўрт кесилди, сўнгги бир ой

ичида, кўксини кўрсатиб биздан нуқул сув сўради. Ҳаётга умиди бор бўлган инсон қийин-қаттиқ кунларни писанд қилмасдан мардона яшайверади, умиди кесилганлар чўкиб-хасталаниб қолади, деб эшитганман. Аммо дадамни тўсатдан нима йиқитганини излаб топпайман: умидсизликми, уйқусизликми, қисматдан келган даъватми ёки... Дадам, одатда кўп ухламасди. Шеър ёзарди. Бир гал, эрталабки нонуштада Муҳаммад Шайбонийхоннинг газалига ёзган муҳаммасини ўқиди. Назаримда, Самарқандга кўп шеър бағишлаган шоир ҳам менинг дадам бўлса керак. Бағишловлари “Афсона шахрим” номи билан китоб бўлиб чиққан. *Не қилай, тутса ҳар зум хумори Самарқанднинг, Дил боғим хазон айлаб баҳори Самарқанднинг, Жонимдан ўтиб кетди озори Самарқанднинг, Кетмади кўнғилдан ҳеч дийдори Самарқанднинг, Кўзимдин учар ҳар дам гулзори Самарқанднинг.* *Дунё ичра ўзи бир бебаҳо, ажиб дунё, Жаннат бир гўзал бўлса, юзиди холи гўё, Кўйида кўзим ёши оқди-ку бўлиб дарё, Ҳар нечаки шахр ўлса, дунёда латиф, аммо Барчадин эрур яхши меъмори Самарқанднинг.* Кейинги йилларда у классик шоирлар газалларига муҳаммаслар боғлашга киришганди. “Қирқ муҳаммас” номли китоби ҳам нашрдан чиққан. У кутлуг ётмиш ёшини ўзи ўқиган мактабда, шеър ихлосмандлари қўршовида нишонлашни орзу қилганди. Яна бир тилағи “Саодат” журналидаги мақоласини ўқиш эди. Онасини соғиниб, хотирлаб ёзган мақоласини ўқий олмади эсиз... Баъзида ана шу армон юки остида



қоламан, кошки яна бир йилгина яшасайдилар дейман дадам бечора... Кошки эди бугун ижод аҳлига берилаётган ишончини, эъозни кўрсайди, қувонсайдилар... Нигорахонни тинглаб ўтириб шоир оғамизни янада тийранроқ тасаввур қилдим. Давраларда, йиғинларда ора-сира кўришиб қолганда ҳам қандайдир маъсум овозда, синиқ табассумда омонлашарди: “Муҳаббатхон қизим, яхшимисиз!”, дерди илтифот билан. Бошқалар каби чарақлаб қулмасди, кўзингизга ҳам мулоим оғарди кўзлари. *Кабутарнинг кўзларида софлик яшайди, Гўзалларнинг кўзларида шодлик яшайди, Шоирларнинг кўзларида шодлик аралаш Биров билиб-биров билмас оғриқ яшайди.* Баҳорни севиб олқишлаган шоирнинг таваллуд санаси ҳам баҳорга нафасдек яқин эди. Унинг ўзи ҳам баҳорнинг хушбўй шамоллари ҳовлипарга кирганидек охангпарга, юракпарга кирарди. Оқтовлик шоирнинг сўзи ҳам баҳор каби мангу янграб қолаверади. *...Майли, қим қанақа – ўзига, Ҳаёт – ҳақ, олар ўз керагин. Эзгулик тиллаб ер юзига Шеър ёзиб юрайлик, Юрагим...*

Муҳаббат ТЎХТАШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

НАСР



Муаллиф ҳақида:

Муқаддас Солиҳ қизи (Абдусаматова) —Тошкентда туғилган. 1960 йили машҳур 22-ўрта мактабни тугатган. Тошкент давлат университетини (ҳозира УМУ)нинг кечки филология факультети журналистика бўлимида ўқиган. 1966 йилдан “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида адабий ходим, кейин қарийб 30 йилдан ортиқ бўлим мудири вазифасида меҳнат қилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Адибанинг “Умр лаҳзалари”, “Оналик бахти”, “Фазилатим — фозилалигим”, “Умр — илға терилган маржон”, “Шукрона”, “Сайланма”, “Ортода қолган излар”, “Уйғоқ туйғулар”, “Оила муқаддас”, “Бунча ширинсан, ҳаёт” каби қатор шеърли ва насрий китоблари нашр этилган.



Собир сув юзида қалқиб-қалқиб оқиб кетяпти. Унинг боши сув устида гоҳ кўриниб, гоҳ гўйиб бўлади. Қалқиб, сув юзасига қўқарилганда, атрофга аланглаб, “Ёрдам! Ёрдам!” деб қичқиради. Қирғоқда тизилишиб турган тўрт-беш ёшлардаги болакайлар бунни ўйин билиб, хоҳолаб кулишар, унга қўл узатиб, қутқаришга чоғлангандек бўлишарди. Собир уларга қўл узатса, болажонлар қўлларини тортиб, яна “қичир-қичир” кулишарди. Улар шу қадар кўп эдики, каналнинг икки қирғоғида занжирдек тизилишган, энг қизиги, уларнинг барчаси бир хил кийиниб олганди. Чўқаётган Собир қутилмаганд қандайдир шоҳга урилиб кетди-ю, оғрикнинг зўридан ўйғониб кетди. Атрофни пайпаслаб, ўз уйида ётганини англади. Хайрият, туши экан.

У кўксига туфлаб қўйди.

“Тавба, — деди бироздан сўнг ўзига келиб, — бу қанақаси бўлди? Нега болалар устимдан қилишяпти? Улар ким ўзи?” Ўрнидан туриб соатга қаради. Тун ярмидан ўтибди. Танасидаги қўқувни йўқотиш учун ташқарига чиқиб, юзини ювиб кетди. Сигарет чекиш учун гўгурт ёқиб, қулдонни дераза раҳига қўйди. Ташқарига қаради. Атроф зим-зиё, қоронғилик ичида яна боғия болакайлар кўрингандек бўлди. Шоша-пиша дераза пардасини тортиб қўйди.

Ўрнига бориб ётди, лекин болакайлар кўз олдидан кетмасди. Кўзини юмди дегунча пайдо бўлиб, қаҳ-қаҳ отиб кулишарди. Ухламасликка аҳд қилди.

Кекса ота-онаси ҳовли этагидидаги уйда ухлашяпти. Улар ҳар куни Собирнинг умри ёлғиз ўтаётганидан куйинишади. Панд-насихат қилишади, фойдаси йўқ, Саркаш бола билганидан қолмайди. У нафақат тушида, ўнгиди ҳам алланарсарладан кўриб яшаётганини ўзи сезади. Лекин бировга айтолмайди...

Мавжудани онаси топганди. Бир кў-

ришда юраги “жиз” этди. Уйланди. Кўп қатори элга ош беришди, келин изли-қутли келди. Келин келган хонадон янада сариштали, фариштали бўлди. Бир гапириб, ўн куладиган Мавжуда ҳамма ҳавас қиладиган келин эди. Илк фарзандлари Нодира туғилгач, оилада кунда-кунора жанжал чиқа бошлади. Собир машина тузатиб, яхши пул топарди. Бу орада Мавжуда ҳам ишга кирди. Кўп ўтмай, Бобур дунёга келди. Ўғил фарзанд отанинг оилага муносабатини яхши томонга ўзгартиради, дейишади. Аммо аксинча бўлди. Уйим-жойим деган Мавжуда турмушда сув бўлса симириб, тош бўлса кемириб яшайверди. Бироқ ўзаро жанжаллар туфайли оиладаги тинчликка путур етди.

Тўғрисини айтганда, Собир кўча хандон, уй зиндон эркаклар сирасидан эди. Рўзгор кемитгани тўлдириб, болаларнинг соғлом ўсиши учун Мавжуда ўзини ўтга-чўққа уришига тўғри келди. Негадир Собир кун ўтган сайин гулдек фарзандлари, оиласига эмас, балки пулга ражуг қўя бошлади. Етти маҳалла дуо оладиган тўқсон ёшли отасининг насихатларини ҳам бир чақага олмай қўйди. Учинчи фарзанди Назира туғилганидан кейин ҳам Собир ўзгармагач, Мавжуданинг сабри тугади...

Ва ниҳоят, улар ажрашишди... Кутилмаган шовқиндан Собирнинг хаёли бўлинди. Хона эшиги очилиб, акиси мўралади: — Намунча ярим тунда уйғондинг? — деди деразадан унга қараб. — Кенжа қизинг ҳам унаштирилибди. Эшитдингми? Собир бир сесканиб, тушида кўрган болакайни эслагандек бўлди. Тунов куни ишхонада ўтирганда, катта қизи Нодира бола етаклаб кириб келди, кейин боласига шивирлади: — Бу бобожонинг бўладилар, чоп “ачом” қил! Собир югуриб келаётган болакайни ярим йўлда тўхтатиб, “уст-бошим ифлос”, дея баҳона қилди. Синглисининг тўйига отасидан ёрдам сўраб келган Нодира устидан муздек сув қуйилгандек сезди ўзини.

Унинг кўзларидан маржон-маржон ёш оқди: — Наҳотки ўз набирангизни биринчи бор кўришингизда бағрингизга босиш ўрнига ўзингизни шундай тутсангиз? Шунчалар бемехрмисиз? — деди у нима қилишини билмай аланглаб турган боласини қўлига олиб. — Яхшиямки, онам йиродалди экан. Уч фарзандни катта қилиб, тўйимизни ўтказди. Бугун укамнинг икки боласи, менинг уй боламнинг суюкли бўвиси. Аллоҳ ризқимизни бировлардан кам қилгани йўқ. Сиз бўлсангиз... У йиғидан ўзини тўхтатолмай чиқиб кетди. Собирнинг пул узатган қўли ҳавода муаллақ қолди... Ёслади. Тушига кирган бола ўша набираси эди. Фақат у ёлғиз эмасди. У яна қўлига сигарет олди. Ўтоқиб чека бошлади. Акиси орқага қўятайтиб: — Дунёдан шу алпозда ўтиб кетаверасанми? Хотининг яна тўй бошлабди, ўйлаб кўр, — деди. Ётгани билан ухлаёлмаслигига кўзи етиб, телевизорни ёқди. Худди Мавжудага ўхшаб аёл набирасини эркалаппти, ёнида эри. Юрагига симади. Телевизорни ўчириб, чироқни ёқди. Шақфдан пулларини олиб, санай бошлади. Негадир кўзига яна ўша бола — набираси кўриниб, санокдан адашди. Телевизорни ёқди. Яна бахтли оилани кўрсатяпти. У гоҳ шақфдаги бойлигига, гоҳ экрандаги бахт эгаларига қаради. Охири бир қарорга келгандек, телевизорни ўчирди. “Ахир мен ҳам бахтли яшашим мумкин эди-ку, — ўйлади у. — Хотиним, болаларим, мана шу пулни деб...” Яна тушидаги болакай, йиғлаб турган қизи кўз олдига келди. Ўғли Бобур ҳам уйланаётганда тўйга айтиб келганди. Ўшанда ҳам хасислик қилиб, тўйга бормаган...

Ташқарига қаради. Аллақачон тонг отибди. Ювиниб ишга чоғланди. Нариги хонадан бола овози эшитилди. Акисини набираси йиғлаётганди. Гўдак йиғини эшитар экан, умри чиндан ҳам сувга оқаётганини набираси тушида аён қилганин англаб етгандай бўлди...

КЕЧИНМА

“ЎҚИДИМ” ЭМАС, “ЎЙНАДИМ” ДЕЙДИ

Оилада янги бўгин улғаймоқда: “боламнинг боласи!” Данагидан мағзи ширин, деганларидек, унинг ҳар бир ҳаракати, қилиқлари, мурғак қалбидан сизиб чикувчи гап-сўзлари бобога ўзгача ҳузур бағишлайди. У зурриётнинг бекаму кўст улғайишини хоҳлайди. Бор бисотини, бутун борлигини унга бағишлашга тайёр. Ахир рўшнолик кунлари келди, юрт мустақил бўлди, қадриятлар қайтди. У ўзини мукамал тарбия кўрмаган, тортан таҳсил олмаганликда айблар эди, энди дунё мезонлари даражасида ўқиши, ўрганиши, ҳар жиҳатдан камол топиши мумкин-да болажон. Мана, танишларининг болалари нафақат ўз юртида, балки дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олаяпти. Шундай ўнғай йўллари пайдо бўлибдики, уйда ўтириб, истилган ўқув юртига даъвогарлик қилган мумкин экан.

Ана шундай ширин ҳаёллар оғушида бобо кунларни санаб ўтказади, энди эсини таниб бораётган жигарпорасига меҳр ва умид билан термиледи. Шукур, кунлар болажоннинг борлигига қоришиб, ой сайин улғайиб бораёпти. Энди ойиқонисининг этагидан тутиб, кўча-кўйга чиқадиган бўлди. Бобо вақтни ўтказмай, набиранин келажаги ҳақида фаол қайғурини бошлади. Бир куни болачани етаклаб, шахсий кутубхонаси олдига олиб борди. Китобларни олиб, қўлига берди, китоб тутган зурриётини кўриб, бир эмас, ўн қувонди. “Мана, умр бўйи йиққан хазинамнинг эгаси ҳам пайдо бўлди!” Умрлик бойлигини ўз қўли билан эгасига топшираётганидан хурсанд бўлди. Шукурки, эсини таниб қолган дилпора катта издихомларга ҳам аралаша бошлади. Ойисига эргашиб, тўйга кетибди. Майли-да, жамоатни кўрсин, кўзи кўпчиликка ўрсин. Яна бобонинг кўз олдига бугунги тўйлар манзараси келиб, ваҳима босди. Еру кўкни титратадиган мусика, маст хотинларнинг бақир-чақир, беҳаё қилиқлар. Беш вақт намозини қанда қилмайдиган келин ҳам нега бугун қанот чиқариб қолди? Ҳа, айтмоқчи, синглисининг қизи узатилаяпти. Бормас бўлмайдиган маърака экан. Билъакс, уни “элдан чиққан” деб маломат қилишлари бор гап. “Ишқилиб, кўзимнинг гавахари, эртанинг эгаси туртинмай-суринмай, чанг-ғубор қўнмай, тозагина қайтиб келсин-да. Ҳозир



шайтон йўриғидаги одамлар кўпайиб кетди. Коммунистлар ҳамма эскилик қолдиқларига қўшиб, шайтонни ҳам йўқ қилган экан-да. Янги замонда томирига сув етдими, урчиб кетди”, деб мулоҳаза қилар, калласига келиб қолган фикрдан безовталанса-да, кўз олдига улғаяётган, янгиланаётган оламнинг бўй-бастидан масрур бўлиб жилмаяр эди. “Нима бўлса ҳам ҳаммаси ўзимсиники, миллий”, деб қўярди. Тун яримлаганда, келин тўйдан қайтди. Набира уйқусираган, қарахт эди. Бобо сукут сақлади, ўзини тийди. Болачани ота-она папалаб ётоққа олиб кириб кетишди. Бобони йў босди: “Ажаб замон келди. Ҳамма нарсас юзага чиқди. Бирор нарсасда чегара-чеклов йўқ. Шу кунларни орзу қилган эканмиз-да”. Эрталаб набирани соғиниб қолгандек қизгин кучоғига олди. Ундаги ўзгариш кўзга ташланар даражада эди. Маъсум нигоҳлари қотайгандек, беҳаёлик нуқси ургандек эди. Ҳамон киссасидан кеча олиб келган ширинлигини ташламаган, зўр бериб уни сўришга уринарди. Бепарво. Бобонинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Болачанинг тароватини йўқотганини сезди. Балки улғайишининг асоратидир. Пахтанинг ичида парвариллаш олмайсан-ку. Эртами-кечми, шу дарёга томчи бўлиб қўшилади. Бу қонуният. Шунда бугунги дарёларнинг нақадар лойқа, ҳатто бўтанинги бобонинг кўз олдига келиб, юраги гумириб кетди. Тиззасида гўдак йираб ўтирар, ўзига қовушмаган

шахт билан ширинлик сўрарди. — Отажон, нима қилдингиз тўйда? — бу сўзлар ўқтам янгради, гўё жигарпорасини биринчи ютуғи билан қутламоқчи бўлди. Болажон тамшаниб олди-да, бошини сарак-сарак қилиб, у ҳам ўқтамлик билан: — Ўйнадим, — деди. Бу иқдор боланинг кечадан бери бобосига айтиб, мактанмоқчи бўлган арзанда сўзи эди. Ва керилиб қўйди болача. Бобо каловланди, кўзини бир юмиб очди. Шу лаҳзада дил кўзгу-сида хожаси олдига ликиллаб турган, юзини бўяб, қошига ўсма тортган саёқ масҳарабоз эркак келди. “Аҳ!” деди. Болача қолдан мактов қути, сўқтойлик билан қараб турарди. — Шундай қилдингизми? — улғанининг қунидан қилмайди чоп. “Нахот энди бундан кейинги авлодим кимларнингдир қаршисида думини ликиллатадиган ва шу амалидан мамнун бўладиган суллоҳ бўлиб улғайса?!” — Шоколад ширин эканим? — Ҳе. Дастурхондан ўғирлаб олувдим. “Оп-а!” Машўум бир кеча! Бир бокира қалбни қанчалик булгабди. Қаранг, “Китоб ўқидим” деб мактанмайди-я, “Ўйнадим” деб керилади. Бобони ҳаёл олди. Келин узатган пиёланга нари-бери дастурхонга қўяр экан, дилбандига разм солди. У бобосининг қалбидан кечаётган бўрондан зарра беҳабар, энди бармоқларини букиб ўйнади.

Ҳаким САТТОРИЙ

ЗИЁРАТ

ДЎСТАЛИК — ТИРИКЛИК ЗИЙНАТИ

Юртимизга баҳор келди, баҳор билан меҳмон келди

Хайр-фазилатли Рамазон ойининг бошланиши баҳорнинг биринчи кунига тўғри келди. Шанба куни эрталаб Самарқанднинг Каттакўрғонидagi “Эргаш ота” санаторийсида дам олиб қайтаётган Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида яшовчи қадрдоним Токан Ботабековни Шимолий вокзалда кутиб олдим. Тошкентга ҳар сафар келганида, албатта, қозоқ авлиёси Тўлабий мақбарасига боради. Азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилишга ихлоси баланд инсон.

Тўлабий Алибийкул номи билан машҳур авлиё Қалдирғочбий деб ҳам аталади. Ул зотнинг қабри Шайх Хованди Тоҳур зиёратгоҳида жойлашган. Қалдирғочбий — Тошкент шаҳридаги бетакрор меъморий ёдгорликлардан бири. Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси таркибидagi мақбара XV асрнинг биринчи ярмида барпо этилган. Мақбара қадимда Дашти Қипчоқда яшаган “Қалдирғочбий” қабри устида тикланган. Ривоятларга кўра, ёв бостириб келатган, уруш хавфи туғилган пайтда аҳоли ўтовларини йиғиштириб ўз ерларини тарк этишди. Аммо Тўлабий ўтовини йиғмади. Босқинчилар лашкар-бошиси Тўлабийдан “сен нега кетмадинг”, — деб сўрайди.

“Бу йил ўтов бошига қалдирғоч ин қурганди. Қалдирғоч — мўъжизавий қуш. Қушнинг уйини бузиб, болаларини нобуд қилиш қўлимдан келмади”, — деб лашкарбошига жавоб қилади. Қаршисидаги инсонни авлиёлик фазилатини сезиб қолган ёвбошчиси унга тегмасликка бўйруқ беради. Шундан авлиё Қалдирғочбий номини олади.

Ёдингизда бордир, бола очирши учун тухумини босиб ётган қуш уясини бузмаслик воқеаси Алишер Навоий ҳаётида ҳам бўлган.

Токан ака билан зиёратгоҳга борганимизда бир гуруҳ чимкентлик меҳмонларни учратдик. Мен Қуръон ўқидим, ҳамроҳим ниятларини ай-

тиб дуо қилди. Дуосида Қозоғистон ва Ўзбекистонда тинчлик бўлсин, мамлакатларимиз дўстлиги мустаҳкамланаверсин, деб алоҳида ният айтди. Токан оға дунё кўрган киши-да, тинчликни, дўстликни қадрлайди.

— Санаторийдан қайтишдан олдин Нурота зиёратгоҳига ҳам бордим, — деб ҳикоясини бошлади у. — Ўзбекистонда муқаддас қадамжоларга эътибор катта. Қозоқ авлиёларининг қабр-қадамжоларини ҳам эъзозлаб, обод қилиб, покиза сақлашади. — Эсингиздами, Қазибек ўғли Жабай авлиё зиёратига ҳам олиб бораман дегандим.

— У мақбара қаъладами?

— Ҳа, қаълада. (Қозоқ қардошлар шаҳарни қалъа деб аташади).

Уни Кўкчадаги Зайниддин бобо зиёратгоҳига олиб бордим. Йўлда Токан қардошимизга зиёратгоҳ ҳақида билганларимдан айтиб кетдим.

Бу муқаддас жой таниқли алломаи фузволалар учун ҳам, арбобу фуқаролар учун ҳам азиз зиёратгоҳ ҳисобланади. Шайх Зайниддин бобо — Кўҳи Орифон Тошкандий мақбарасини машҳур давлат ва дин арбоби Хожа Аҳрор Валий, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам бир неча марта зиёрат қилишган экан. Қадимийлиги ва меъморий салоҳияти билан эътиборни тортадиган обида XIII-XIV асрларда Амир Темур томонидан бунёд этирилган.

Гарчи Қазибек ўғли Жабай авлиё анча кейинги даврда яшаган бўлса-да, тасаввуф илмининг билимдони Шайх Зайниддин бобо қаромати ва маърифатига ихлос қилиб, уни илоҳий устозим деб билади. У бошқа юрда вафот этса-да, Зайниддин бободан эллиқ қадам пойгакка дафн этишларини васият қилади.

Кўкча қабристонини ҳамроҳимда жуда яхши таассурот қолдирди. У ерда Шайх Зайниддин бобо, Алихонтўра Соғуний, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, шайх Аловуддин Мансур ҳазратлари қабрла-

рини зиёрат қилдик.

— Тошкентнинг кўчалари текис, озода, зиёратгоҳлари жуда эътиборда экан, — дея у ҳайратини яшира олмади. — Мени қалъа мэри (шаҳар ҳокими) Шавкат Умрзоқовни олдиға олиб бор, раҳматимни айтиб кетмасам бўлмайди. Ҳокимимизни танийсизми десам, албатта, Ўзбекистон автосаноати раҳбари пайти Қозоғистонга борган. Куёвим Қозоғистонда Автосаноат вазири бўлиб ишлайди. Икковлари дўст. Бизникида кўноқда ҳам бўлган, — деди.

Ишонқирамай қараганимни қўриб телефонидан пойтахтимиз ҳокими билан тушган расмини кўрсатди.

Шаҳар ҳокимини қидириб борсак, худудларни айланаётганлигини айтишди. Ёрдамчиси Мирусмонга Токан ака омонат саломини айтди.

Ҳокимиятдан чиқиб аэропортга томон кетарканмиз “Tashkent city”, “Humo arena”, “Magic city” ва бошқа кўнгилочар сайлгоҳларни, осмонўпар биноларни томоша қилиб завқланиб кетди.

— Шавкат Умрзоқов Қозоғистонга борганида “Янги костюм текис кўчаларга ярашади”, деб айтган. Агар мақола ёзсанг, шу сўзларни ҳам қўшиб қўйгин, — деди у.

Қўшни Қозоғистоннинг таниқли қурувчи тadbиркори Токан Ботабеков аэропортга элтувчи равон кўчанинг озодалигига ҳавас қилганини яшира олмади.

— Ёзда Олмаотада кутаман, албатта боргин, — дея мен билан кучоқлашиб хайрлашди.

— Худо хоҳласа, бораман, оқ йўл!

Тошкентдан Олмаотага парвоз қилаётган самолёт ортдан кузатиб қолдим.

“Дўст билан обод уйинг” дейдилар. Рост бу. Қозоқ қардошим билан нафақат уйим, кўнглим ҳам обод бўлди...

Дилмурод КИРГИЗБОВЕВ,

Ўзбекистон Журналистлари уюشمаси аъзоси.



Суратда: Олмаоталик меҳмон Токан Ботабеков Қалдирғочбий зиёратгоҳида.

ИККИНЧИ ФИКР

Яқинда телевизордаги ҳар дақиқада узатиладиган рекламаларнинг бири эътиборимни тортди. Унда улугъ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида “Зайнаб билан қолинг бегим” кинокартинаси суратга олинаётганлиги эълон қилинди. Бу хабар машҳур адиб асарларининг мухлиси сифатида мени ҳам бефарқ қолдирмади ва ушбу мулоҳазаларни битишга ундади.



Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Чекка қишлоқдаги мактабнинг саккизинчи синфиди ўқир ва сентябрь ойи келар-келмас бепоев пахта далаларида “жавлон” уришга мажбур эдик. Бу ҳам етмагандек, ноябрь ойининг ўрта-ларига келиб биз ўқувчилар, Шахрисабздаги жамоа хужалигининг бирига яна теримга сафарбар этилдик.

Далапар ҳувиллаб қолган, шийшйдон бўлган пахта майдонларида яккам-дукам очилган кўрақлардан бошқа ҳеч вақо қолмаганди. Бизлар иккита шийпонга жойлашдик ва эртасига теримга тушдик. Орадан ўн кунлар ўтгач, эрталаб гуруҳ раҳбаримиз “буғун сизларни кинога олиб борамиз” деган ёқимли хабарни эълон қилди. Шубҳасизки, бу хабар ҳаммамизни қувонтирди, ўша куни энг дангаса болалар ҳам терим режасини бажарди. Кечки овқат бир соат аввал еб бўлинган, бизлар саф тортиб қўшни қишлоққа йўл олдик. Ўша йилларда биз даштлик болалар кинотеатр деганда усти оқлг, тўрт тарафи девор билан ўрилган ва узун ёғоч ўриндиқлар амал-тақал қилиб қўқилган клубни тасаввур қилардик, холос. Усти ёпиқ, деразаларига чиройли дарпардалар тутилган юмшоқ ўриндиқли катта залга кириб, кўпчилигимиз ҳайратга тушганмиз.

Нихоят, экран ёришиб, томоша бошланди ва бу фильм бизлар шу пайтгача қўришга улгурган “оқлар” ва “қизил”лар уруши воқеалари тасвирланган Чапаев ёки ҳиндларнинг машҳур “Филлар менинг дўстим”, “Чангда қолган гул”, ўзимизнинг “Ер-ёр”, “Ма-

ҳаллада дув-дув гап”, “Мафтунингман” каби киноларга ўхшамаслиги билан дарров эътиборимизни тортганди. Шундай қилиб, бир соатдан кўпроқ вақт мобайнида биз ўйинқароқ болаларни чексиз ҳаяжонга солган фильм тугаб, (кўнгли бўшроқ қизларнинг Кумушнинг ўлими туфайли пиқ-пиқ йиғлагани, баъзиларининг Зайнабни қаргаганини ҳисобга олмасак), бу ажойиб санъат асари таъсирида тинчгина қадрдон шийпонимизга қайтдик.

Менинг эса хотирамда “фильм Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида суратга олинди” деган ёзув муҳрланиб қолгани боис, мактабда ўқиш бошлангач, адабиёт фани ўқитувчимиз Абдужаббор муаллимдан:

— Домла, нега Абдулла Қодирий деган ёзувчи китобимизда йўқ? — деб савол беришга жаръат этганим ва муаллимнинг кескин оҳангиди:

— Бу саволни менга айтдинг, лекин бошқа бировга айтиб юрма, насиб бўлса мактабни битириб ўқишга кирсанг, тушуниб оласан”, — дея жавоб бергани билан ёдимда бир умрга муҳрланиб қолди.

Лекин мени улугъ адибнинг китобини топиб ўқишга бўлган иштиёқ тинч қўймасди. Кунларнинг бирида қишлоқдаги кутубхонадан унинг “Обид кетмон”и, сўнгра яна кимнингдир уйдан “Меҳробдан чаён” ва ниҳоят, “Ўткан кунлар”ни ҳам топиб ўқиб чиқдим.

Айтмоқчи, гапимиз кино ҳақида эди.

Шу ўринда ушбу фильм ижодкори машҳур кинорежиссёр Йўлдош Аъзамовнинг маҳоратига, айниқса, Отабекнинг ҳижрон азобида қийналиб майхонада бўлиши ва Машраб ғазали билан айтилувчи “Ўртар” ашуласини тинглаши эпизодини яратилишига тасаннолар айтмасдан илож йўқ. Шу ўринда бу ўлмас ашулани ижро этган машҳур хофиз Муроджон Аҳмедовнинг дардчил ноласи туфайли фильм эл орасида машҳур бўлгани ҳам ҳаммага аён бўлса керак. Албатта, бу кинокартинанинг томошабинлар қалбини забт этишида атоқли санъаткорлар Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Марям Ёкубова, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров ва ўша йилларда эндигина санъат оstonасига қадам қўйган ёш актёрлар Ўлмас Алихўжаев, Гулчехра Жамилова ва Гулчехра Саъдуллаевалар маҳоратига қойил қолмасдан бўлмайди. Машҳур фильм сабаб эл орасида фарзандларига Отабек ва Кумуш исмларини қўйиш кенг оммалашган эди.

Айтишларича, яна 1969 йилда суратга олинган фильмнинг тўлиқ қисми Москвага олиб кетилиб, обдан қайчилангач, қайтариб берилган экан. Биз кўрган ва ҳамон неча бор намойиш этилса-да, ҳаяжонсиз томоша қилиб бўлмайдиган бу кинонинг қайчиланмаган ҳолати аспиди қандай бўлган экан, шунга қизиқаман...

Йиллар ўтди. Юртимиз мустақилликка эришгач, 1997 йилда бир қанча томошабоп кино асарлари билан танилган кинорежиссёр Ме-

лис Абзалов “Ўткан кунлар”ни қайтадан кино қилишга жазм этди. У кўплаб номдор ва иқтидорли ёш актёрларни бу ўта масъулиятли жараёнга жалб этган бўлса-да, фильм маҳорат билан тасвирга олинган, анча тузук ишланганига қарамай, минг афсусларким, барибир томошабинлар қалбидан биринчиси каби муносиб жой топа олмади...

Энди мақолаимиз бошидаги “Зайнаб билан қолинг бегим” деб номланган рекламага келсак, “Youtube” каналда узук-йўлиқ бир нечта роликларга кўзим тушди-ю, ҳатто очиб томоша қилишга ҳафсалам етмади. Очигини айтсам, описларда қолган беғубор болалик хотираларимга соя тушишини ис-тамадим...

Халқимизда “Чумчуқ сўйса ҳам, қас-соб сўйсин” деган мақол бор. Бу айниқса, ўзларини “юлдуз” санайдиган ва унлаб хусусий телеканалларни маза-матрасиз сериаллари билан тўлдирётган сохта киночиларга қарата айтилганга ўхшайди. Шу ўринда орақдан бир сўз отилиб чиқмоқда: “Ҳай, борака топқурлар, майли, истаган кинонгизни суратга олаверинг, фақат ҳеч бўлмаса, Абдулла Қодирийни ва “Ўткан кунлар”ни тинч қўйинг!”

Хуллас, гапнинг пўсткалласини айтсак, “Ўткан кунлар” асосида учинчи бор кино ишлашни бас қилиш керак. Миллий кино санъатимизнинг жаҳоҳи-рига айланган шундай улугъ асарни ҳам бир аҳволга солмайлик!

Ўролбой ҚОБИЛ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

АЙТГАНЧА

БОСМА КИТОБЛАР ЯНА ҚАНЧА ЯШАЙДИ?

Аудиокитобларни эшитиш – босма китобларни ўқишдан кўра қўлай-роқми? Кимдир транспортда, яна кимдир спорт билан шуғулланаётганда ёки уй ишларини қилаётганда ...қулоқ-чин тақиб олганча семимли асарларини эшитида. Тўғри, ҳамма қўлайлик тарафдори. Бироқ шу ўринда савол туғилади: аудиокитоблар босма китобларни бозордан сиқиб чиқарадими?

Статистик маълумотларга кўра, аудиокитоблар бозори, айниқса, сўнгги беш йилда ҳар йили 10-15 фоизга ўсиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, 2023 йили АҚШда аудиокитоб савдоси 1,8 миллиард долларни ташкил қилган. Бу, айниқса, ёшлар орасида машҳур бўлиб, эндиликда катталар ҳам кунлик ишлари орасида китоб тинглашни одатга айлантирган.

Лекин шундай бўлса-да, қоғозда чоп этилган китобларга бўлган қизиқиш ҳамон юқори. Мисол учун, Европа ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида босма китоб савдоси ҳануз ўсишда давом этмоқда. Китоб дўконлари ва кутубхоналар ўзгаришсиз – гавжум. Нашириётлар янги босма китобларни чиқаришни тўхтатгани йўқ. Варақларни ҳидлаш, саҳифаларни титкилаш туйғуси уларни ҳали тарк этганича йўқ.

Умуман олганда, аудиокитоб ва босма китобларнинг ҳар бири ўз афзаллиқларига эга. Аудиокитоблар ҳаракатдаги одамлар учун идеал ва қўлай бўлса, босма китоблар сокин ўқиш ва чуқур мулоҳаза қилиш учун мос. Тадқиқотларга



кўра, маттни кўз билан ўқиш эшитишга қараганда ахборотни яхшироқ ёдда сақлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, аудиокитоблар йўлда вақтни мазмунли ўтказиш учун ажойиб вариант.

Хўш, энди айтмоқчи бўлган гапимизга қайтсак: секин-аста босма китоблар йўқолиб кетадими? Бизнингча, йўқ. Иккала формат ҳам ўз аудиториясини топади ва бир-бирини тўлдирди. Технология, илм-фан ривожланиши билан китоб ўқиш шакли ҳам бирмунча ўзгариши мумкин, лекин унинг қиймати ўзгармайди. Босма китоблар яшайверади. Аудиокитобларни эшитиш ва босма китобларни ўқиш орасидаги танлов эса сизу бизнинг ҳаёт тарзимиз ва одатларимизга боғлиқ. Сиз-чи, азиз муштарий, бу борада сиз қайси томондасиз?

Севинч АҲМАДЖОНОВА,
ЎЗЖОКУ 2-курс талабаси.

РАССОМ ХАНДАСИ



Интернет тармоғидан олинди.

Hurriyat



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюشمаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 4 507

Буюртма — Г-344

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 01³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: З.Алибеков, Мусахҳиш: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.